

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIIY-MA'RIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

2021-yil 1-sentabr / № 36 (4643)

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ – БИЗ УЧУН КУЧ-ҚУДРАТ ВА ИЛҲОМ МАНБАИ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадри ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!

Бугун юртимизда улғу байрам, катта тантана. Кўпмиллатли Ўзбекистон халқи жонажон Ватанимиз истиқлолининг шонли ўттиз йиллик тўйини зўр шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

“Янги Ўзбекистон” деб ном олган мана шу муаззам боғда биз бугун биринчи марта Мустақиллик байрамини ўтказмоқдамиз.

Шу муносабат билан сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, ўзимнинг самимий ва энг эзгу тилаklarимни билдираман.

Азиз дўстлар!

Барчамизга аёнки, эл-юртимиз асрлар давомида озод ва эркин ҳаётни, адолатли жамиятни орзу қилиб яшади. Бу муқаддас мақсад йўлида жон олиб, жон бериб курашди, машаққатли синовларни мардона энгиб ўтди.

Халқимиз қалбига хуррият сари эзгу интилишни ҳеч қандай босқин, зулм ва зўравонликлар йўқота олмади. Бунга кўнра тарихимизнинг ўзи гувоҳ.

1991 йил 31 август кунини мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирини туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюқ тарихий воқеа юз берди. Неча юз йиллар давомида келажакка катта умид ва ишонч билан қараб, ҳаммаша сабр-матонат билан яшаган халқимиз улғу орзусига эришти – ўзининг давлат мустақиллигини кўлга киритди.

Бугунги кунда айбонда барчамиз, бутун халқимиз Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида давлатимизни бошқарган Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислоом Абдуғаниевич Каримов номини, у кишининг бевосита раҳбарлигида, халқимизнинг матонати ва жасорати билан амалга оширилган улкан ишларни эсга олишимиз табиийдир.

Истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида муҳим ишлар бажарилди. Қисқа муддатда мамлакатимиз Конституцияси ишлаб чиқилди. Замоनावий давлатчилик асослари, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари шаклланди.

Мамлакатимиз мустақиллиги ва суверенитетини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучлар барпо этилди.

Миллий валютаимиз – сўм жорий қилинди, олтин-валюта захираларимиз шакллантирилди. Қадимий тарихимиз, бой маданий меросимиз, миллий-диний қадриятларимиз, ўзлимиз тикланди.

Муҳтасар айтганда, кўпни кўрган халқимиз ўзининг мустақам иродаси ва матонати, беқиёс салоҳиятини намойиш этди, тарихан қисқа фурсат ичида улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Мана шундай буюқ тарихий жараёнларда фаол иштирок этиш насиб қилгандан кўпчилик ватандошларим қатори мен ҳам бахтиёрман.

Хурматли тантана қатнашчилари!

Биз бугун халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистон давлатини, эркин фуқаролик жамиятини барпо этмоқдамиз. Шу мақсадда аввало бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни мустақамлашга энг муҳим вазифа сифатида устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Бугун дунёда ва минтақамизда, чегараларимизда кескинлик, турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда бу масаланинг қандай беқиёс аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Давлат ва жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий пойдеворини мустақамлаш, мамлакатни модернизация қилиш, бу жараёнда парламент ва сиёсий

партияларнинг ролини, жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли демократик ислохотлар жадал амалга оширилмоқда. Демократиянинг асосий талаби бўлган инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, сўз ва виждон эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди. Кўп йиллардан бундан жиддий муаммо бўлиб келган мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролик масаласи бўйича чақириғига жавобан 2020 йилнинг ўзида 50 мингдан орტიқ юртдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Маълумки, мустақил ва кучли суд ҳокимияти инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийликни қарор топтиришнинг асосий шартидир. Бу йўналишдаги устувор вазифаларга доир 40 дан орტიқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ҳозирги вақтда улар асосида жиддий амалий ишлар олиб берилмоқда.

Ана шундай хайрли ишларимизнинг мантикий давоми сифатида мен кунини кеча Мустақиллик байрами муносабати билан яна бир муҳим фармонга имзо чекдим. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 215 нафар шахс афв этилиб, ўз оиласи ва яқинлари бағрига қайтиш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси тарихида илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига сайланди. Бу эса ушбу йўналишдаги ислохотларимиз халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганининг яққол тасдиғидир.

Муҳтарам юртдошлар!

Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, ўтган беш йиллик вақт барчамиз, бутун мамлакатимиз, халқимиз учун кескин синовлар даври бўлди. Айниқса, 2020 йили бошланган коронавирус пандемияси ва шу сабабли келиб чиққан иқтисодий инқироз глобал дунёнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистон учун ҳам жиддий муаммоларни юзага келтирди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хулосасига кўра, пандемия Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё микросида ўз берган энг улкан синовдир.

Едингизда бўлса, биз пандемия бошланган илк кунларда бу қийинчиликлардан янада тобланиб, кучли ва қудратли бўлиб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Яратганининг инояти, эл-юртимизнинг аҳиллиги ва фидокорона меҳнати билан бу машаққатли синовларни мардона энгиб ўтмоқдамиз.

Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ва кенг кўламли ислохотлар юртимизда янги даврни – янги Ўзбекистон даврини бошлаб берди.

Бугун юртимизда тарихан қисқа фурсатда бутунлай янги ва сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит пайдо бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Халқаро валюта жамғармаси ва нуфузли рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, ҳозирги қийин ва мураккаб шароитда Ўзбекистон жаҳоннинг санокли мамлакатлари қаторида молиявий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ишлаб чиқариш тармоқларини тиклаш ва иқтисодий фаолликни оширишга эришиб келмоқда.

Мана, яқинда Америка Қўшма Штатларининг “J.P.Morgan” инвестиция банки томонидан эълон қилинган “Ўзбекистон: юксалиш йўли” номли таҳлилий ҳисоботда ҳам айтиш шартки фармон берилди.

Шу ўринда иқтисодиётимиздаги таркибий ислохотлар ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳақида айрим маълумотларни келтириб ўтишни зарур, деб биламан.

2017-2020 йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш даражаси 18,3 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулот 60 миллиард долларга етди. Бу ҳақда гапирганда, ташқи савдо айланмаси 2016 йилдаги 24 миллиард доллардан 2020 йилда 36 миллиард долларга кўпайганини таъкидлаш лозим. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 369 триллион сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 23,4 фоизга ўсди. Натижада саноат маҳсулотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 19,5 фоиздан 27,4 фоизга кўтарилди.

Иқтисодий соҳани, жумладан, божхона тартибларини либераллаштириш туфайли 2020 йилда экспорт ҳажми 15,1 миллиард долларни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 25 фоизга ўсди.

Ислохотларимиз самарасининг турли халқаро рейтингларда тан олиниши мамлакатимиз учун халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятини яратди. Жумладан, жорий йилда 635 миллион долларлик ва 2,5 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари, Ипотека банкнинг 785 миллиард сўмлик ва “Ўзавтомоторс” акциядорлик жамиятининг 300 миллион долларлик корпоратив облигациялари чет эл инвесторларига сотилди.

Сармоядорларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига бўлган ишончини кескин оширишга муваффақ бўлди. Инвестицияларнинг умумий ҳажми қисқа муддатда 2,1 мартага, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажми 3 баробарга яқин ўсгани ҳам бунинг исботидир.

Ўтган уч йил мобайнида солиқ соҳасида янги тизим жорий этилди. Солиқлар сони сезиларли даражада камайтирилди, айланма маблағдан олинган солиқлар бекор қилинди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилиб, ушбу солиқ занжирининг яхлит тизими яратилди.

2017-2020 йилларда банкларимиз капитални 5,7 баробар ёки 5 миллиард долларгача оширишга эришдик.

Электрэнергетика, нефть-газ, коммунал соҳаларда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар натижасида давлат бошқаруви ва хўжалик функциялари бир-бирдан ажратилди, рақобат муҳитини яратиш учун муҳим қадамлар ташланди.

Айни пайтда янги-янги инфратузилма тармоқлари барпо этилди. Минглаб километр узунликдаги янги йўللار, электр ва газ тармоқлари қурилди ва таъмирланди.

Жамоат транспорти изчил ривожланмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси ҳамда қарийб 12 километрик ер усти метро линияси фойдаланишга топширилди.

“Сергели” йўналиши бўйича 6,2 километрик қурилиш ишлари якунланди.

Айни пайтда Ўзбекистонда кўплаб йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шулар қаторида яқинда Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг қиймати 2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 3-мис бойитиш фабрикаси қурилишга тамал тоши қўйилганидан барчангиз хабардорсиз.

Кунини кеча Навоий вилоятининг Кармана туманида 110 миллион доллар инвестиция ҳисобидан ишга туширилган қуёш электр станцияси Ўзбекистон энергетика тизимида биринчи улкан қадам бўлди.

Айни пайтда “Навоийазот” акциядорлик жамиятида иккита янги завод – азот кислотаси ҳамда аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Умумий қиймати 1,5 миллиард доллар бўлган ушбу лойиҳалар эвазига “Навоийазот”да маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробарга ошди.

Бундай муҳим воқеалар миллий саноатимиз тарихида янги давр бошланаётганидан далolat беради.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ҳар бир йили қадри, салмоқли. 30 йиллик эса бу тарихни ўзида қамраган янада шонли сана. Шу кунларда халқимиз мазкур айёмни зўр шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

ОЗОД ВА ҲУР ЎЗБЕКISTONNING БУЮК БАЙРАМИ

Бу йилги байрам тантанаси шу санага бағишлаб бунёд этилган “Янги Ўзбекистон” боғида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, бутун халқимизни мустақиллигининг 30 йиллик байрами билан табриклади. Барчамизга аёнки, эл-юртимиз асрлар давомида озод ва эркин ҳаётни, адолатли жамиятни орзу қилиб яшайди. Бу муқаддас мақсад йўлида жон олиб, жон бериб курашди, машаққатли синовларни мардона энгиб ўтди.

Халқимиз қалбига хуррият сари эзгу интилишни ҳеч қандай босқин, зулм ва зўравонликлар йўқота олмади. 1991 йил 31 август кунини мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирини туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюқ тарихий воқеа юз берди. Неча юз йиллар давомида келажакка катта умид ва ишонч билан қараб, ҳаммаша сабр-матонат билан яшаган халқимиз улғу орзусига эришти – ўзининг давлат мустақиллигини кўлга киритди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида мамлакатимизни бошқарган Биринчи Президентимиз Ислоом Каримовни, унинг раҳбарлигида амалга оширилган улкан ишларни эсга олди.

Истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қурилди. Замоनावий давлатчилик асослари, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари шаклланди. Қадимий тарихимиз, бой маданий меросимиз, миллий-диний қадриятларимиз, ўзлимиз тикланди. Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, сўз ва виждон эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор

берилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди. Кўп йиллардан бундан жиддий муаммо бўлиб келган мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси тарихида илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига сайланди. Бу эса ушбу йўналишдаги ислохотларимиз халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганининг яққол тасдиғидир.

Охириги беш йил кескин синовлар даври бўлди. Айниқса, 2020 йили бошланган коронавирус пандемияси ва шу сабабли келиб чиққан иқтисодий инқироз глобал дунёнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистон учун ҳам жиддий муаммоларни юзага келтирди.

– Яратганининг инояти, эл-юртимизнинг аҳиллиги ва фидокорона меҳнати билан бу машаққатли синовларни мардона энгиб ўтмоқдамиз. Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ва кенг кўламли ислохотлар юртимизда янги даврни – янги Ўзбекистон даврини бошлаб берди, – дея таъкидлади Президент.

Бу асосий иқтисодий кўрсаткичларда ҳам намойиш. Хусусан, 2017-2020 йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш даражаси 18,3 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулот 60 миллиард долларга етди. Ташқи савдо айланмаси 2016 йилдаги 24 миллиард долларга кўпайди.

Ишбилармон доираларнинг мамлакатимизга ишончи ортди. Инвестицияларнинг умумий ҳажми қисқа муддатда 2,1 мартага, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажми 3 баробарга яқин ўсди.

МУСТАҚИЛЛИК ИНШОТЛАРИ

ЗАРКЕНТДА ЗАР ҚАЙНАР МАСКАН

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 август кунини мамлакатимиз зиёлилари билан учрашувиди: “Хавас қилса арзийдиган улғу аждодларимиз бор. Хавас қилса арзийдиган беқиёс бойлигимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, хавас қилса арзийдиган буюқ келажакимиз, буюқ адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”, дея таъкидлаган эди. Тарихий анжуманда Ўзбекистон зиёлилари томонидан ўртага ташланган долзарб масалалар юзасидан белгиланган вазифалар ижроси ўлароқ кейинги йилларда барча соҳалар қатори адабиёт ва санъат соҳасини ривожлантиришга, хусусан, жамиятда китобхонлик маданиятини юксалтиришга жиддий эътибор қаратилган бошланди: ижодкорлар учун ажратилаётган уй-жойлар, ижод қилиш учун яратилаётган шарт-шароитлар, ёш қаламкашларнинг кўпчилиги нусхаларда чоп этилаётган китоблари ва уларга қалам ҳақлари берилаётгани – йилгили қолган муаммоларнинг қисқа фурсатларда ҳал этилаётгани бунинг яққол исботи.

Ўзгаришлар ҳақида гап кетганда, аввало, қарийб бир асрлик фаолияти мобайнида ўзи биносига эга бўлмаган Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмасининг олдинги аҳолини кўз олдимизга келтириб, Президентимизнинг қуйидаги эътирофини эслаш кифоя: “Сўнги йилларда ўзувчилар ва шоирларни қўлимиздан келганича қўллаб-қувватлаётимиз. Уларнинг ўз биноси ҳам йўқ эди, ижарада туришарди, мана энди Ватанли бўлишди.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

30 ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТANAЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Юртимизда кичик ва хусусий бизнес субъектлари икки баробар кўпайиб, соҳада 1 миллион 400 мингта янги иш ўрни яратилди. Бу қорхоналарнинг ярмидан кўпроғи кейинги уч йилда ташкил этилгани алоҳида аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш мақсадида 16 та қонун, 100 дан зиёд қарор қабул қилинди. Утган бир йил давомида лицензия ва рўхсатномаларни расмийлаштириш тартиби соддалаштирилди ҳамда уларни бериш муддатлари қисқартирилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида барча текширувлар учун мораторий эълон қилинди.

Шунингдек, ўзини ўзи иш билан банд қилган аҳоли учун қулай шaroит яратиш натижасида бир йилда 500 минг нафар фуқаро рўйхатдан ўтиб, фаолиятини қонуний асосда йўлга қўйди.

Тадбиркорлик соҳасидаги мана шундай ёндашув натижасида Жаҳон банкининг "Бизнес-ноти рейтингиде" Ўзбекистон беш йил ичида 141-ўриндан 69-ўринга кўтарилди. Албатта, бу жиддий кўрсаткич, аммо у ҳали бизни қониқтирмайди. Шунинг учун биз ушбу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттирамиз.

Хабарингиз бор, яқинда тадбиркорлар билан янги форматдаги учрашув ўтказдик. Унда мамлакатимиз бўйича 10 мингдан зиёд ишбилармонлар қатнашди. Очiq мулоқотга тайёргарлик доирасида 15 мингдан ортиқ тақдир ва ташаббуслар атрофича ўрганилиб, тадбиркорлар кўтарган масалалар бўйича амалий чоралар белгиланди.

Биз миллий иқтисодиётимизда ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, шу асосда мамлакатимизни тараққий эттириш учун тадбиркорларга бундан бундан ҳам барча шaroитларни яратиб берамиз. Нега деганда, тадбиркор – иқтисодиётнинг, ислохотларимизнинг асосий таянчи ва локомотиви.

Мана шу ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги керак. Бугунги кунда замонавий иқтисодиётнинг энг истиқболли соҳаси булган ахборот-коммуникация технологиялари мамлакатимизда кенг жорий этилмоқда. Шу мақсадда ўнлаб IT-парклар, кичик саноат зоналари, соҳа учун мутахассислар тайёрлайдиган ўқув марказлари, иқтисодий компьютер дастурчилари учун махсус лойиҳалар ташкил этилмоқда.

Аҳолиимизнинг катта қисми яшayдиган қишлоқ жойларини ривожлантириш ва обод қилиш, аграр соҳанинг самарадорлиги ва рақобатдошлигини ошириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Биз қишлоқ ҳўжаллигида нарҳлар шаклланишига давлат аралашувини бекор қилдик, пахта ва галла етиштиришда давлат бюoртмаси тугатилди. 122 та пахта-тўқимачилик кластери фаолияти йўлга қўйилиб, юқори ҳосил олишга эришилди. Қишлоқ ҳўжалигини молиялаш тизими қайта қўриб чиқилмоқда.

Биз ҳудудларни тармоқлар билан бирга комплекс ривожлантириш бўйича янги тизимни жорий этдик. Бунинг натижасида ҳудудларнинг молиявий имкониятлари кенгайиб, 2021 йилнинг ўзида маҳаллий дастурлар учун қўшимча 3 триллион сўм маблағ шакллантириш имконияти пайдо бўлди.

Бугун ишонч билан айта оламизки, Ўзбекистон учун глобал инқирознинг оғир дамлари ортда қолмоқда.

Иқтисодий тармоқларининг ривожланиш суръатини аҳолининг реал ялпи даромади 2016 йилга нисбатан 28 фоизга ўсганида ҳам қўриш мумкин.

Ҳозирги кунда номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи 2,7 миллион сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 2,1 баробарга оширилди.

Мана, яқинда қабул қилинган Фармонга биноан, мамлакатимизда 1 сентябрдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақалар миқдорини яна оширдик.

Биз бундан бундан ҳам аҳолиимизнинг даромади ва турмуш даражасини мунтазам яхшилаб бoришга жиддий аҳамият қаратамиз.

Юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ўзига хос янги тизими яратилганидан барчангиз яхши хабардорсиз. "Темир дафтар", "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари", "меҳр дафтари", "маҳаллабай" ишлаш усуллари айнан шу мақсадда жорий этилмоқда.

Ислохотлар доирасида қабул қилинган йирик дастурлар жамиятимизда ижтимоий муҳитни яхшилаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Биргина "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини оладиган бўлсақ, жорий йилнинг ўзида жами 8 мингга яқин қишлоқ ва маҳаллабай умумий қиймати 20 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб бoрилаётгани, ўйламанки, кўп нарсадан дoлат беради.

Бу ишларнинг барчаси "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшayлик" деган эзгу давлат асосида амалга оширилмоқда.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб келмоқда. 2017-2020 йиллар давомида 140 мингдан зиёд арзон ва сифатли уй-жойлар бунёд этилди. Ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан қарий 11 баробар ошди. Республикамызда ипотека тизими изчил ривожланмоқда.

Шуни таъкидлаш зарурки, юртимизда илгари ҳеч қачон бундай катта қўламдаги қурилиш ишлари амалга оширилмаган.

Оғир турмуш шaroитида яшayтган оилаларнинг уй-жой бўйича бошланғич бадаллари давлат бюджети ҳисобидан тўлаб берилмоқда. Бу йўналишдаги ишларимиз давом эттирилади, шу йилнинг ўзида яна 50 мингга яқин оила уй-жой билан таъминланади.

Қадрли дўстлар! Давлат ва жамият тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлашда соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт соҳалари ҳал қилувчи ўрин тутишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бугунги кунда юртимизда тиббиёт соҳаси, унинг фаолият мазмунини тубдан ўзгармоқда, десак, янглишмаган бўламиз. Аввало, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати ва самарадорлиги, соғлом турмуш тарзи янги босқичга кўтарилди. Кўп тармоқли поликлиника ва касалхоналарнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Тез тиббий ёрдам тизими замон талаблари асосида қайта ташкил этилиб, молиявий таъминоти кучайтирилди.

2016 йилда мавжуд бўлган 800 та "Тез ёрдам" шохобчасининг сони бугунга келиб 1 минг 666 га етказилди. Тез тиббий ёрдам бригадалари сони эса 1 минг 648 тадан 2 минг 685 га кўпайтирилди.

Маълумки, илгари қўллаб юрдошларимиз мураккаб тиббий операцияларни ўтказиш учун чет элларга бoришга мажбур эди. Кейинги йилларда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга оид ислохотлар натижасида бундай амалиётлар энди ўзимизда ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Республикамыз аҳолисоғига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатаётган марказлар сони 2016 йилда 10 тани, уларнинг худудий филиаллари эса атиги 2 тани ташкил этарди. Бугунги кунда бундай марказларнинг сони 20 тага етказилди, жорий йилда эса 124 та филиал фаолияти йўлга қўйилди. Бу ишни давом эттириб, жорий йилда яна қўшимча 48 та худудий филиал ташкил этилади.

Ҳаммангиз қўриб турибсиз, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни ўз вақтида бошлаб, тўғри йўл танлаганимиз учун қутилмаган пандемия қаршичида саросимга тушиб қолмадик. Халқимизнинг соғлиғи ва ҳаётини асраш мақсадида зудлик билан барча тадбирларни ишлаб чиқдик. Жумладан, коронавирусга қарши курашиш учун махсус тиббий марказлар ташкил этилди. Дори-дармон ва ҳимоя воситаларининг захираси шакллантирилди.

Худудларда ишга туширилган 60 та кислород станцияси тегишли шифохоналарни кислород билан узлуксиз таъминлашга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда вакцина ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошланди.

2021 йил учун давлат бюджетиде 3 триллион сўм захира шакллантирилиб, аҳоли соғлигини сақлаш ва коронавирусга қарши эмлаш чораларини кўрямамиз.

Халқимизни тезкор ва самарадор, сифатли тиббий ёрдам билан таъминлашга қаратилган ислохотлар изчил давом эттирилади.

Азиз ватандошлар! Атоқли маърифатпарвар бoбoми Абдулла Авлонийнинг: "Тарбия биз учун ё ҳайт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалоқат, ё саодат – ё фалокат масаласидир", деган ҳикмати сўзларини мөн қайта-қайта такрорлашдан чарчаймайман.

Кейинги йилларда масалага мана шундай ёндашув бизнинг ушбу соҳадаги фаолиятимиз мезонига айланди. Чиндан ҳам, агар биз таълимни ўзгартирсак, таълим инсонни ўзгартиради. Инсон ўзгарса – бутун жамиятимиз ўзгаради.

Шу боис биз узлуксиз таълимни такомиллаштириш, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилашга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

Таълим-тарбиянинг бошланғич бўғини бўлган мактабгача таълим тизимидаги ўзгартиришлардан ҳаммагина яхши хабардорсиз. Соҳада ягона давлат сибсатини юритиш мақсадида Мактабгача таълим вазириликни ташкил этдик.

2017 йили юртимизда 5 минг 211 та боғча фаолият юритган бўлса, жорий йилда бу рақам – тасавуур қилинг – 19 минг 316 га етди. Давлат-хусусий шериклик механизмлари ҳамда оилавий боғчаларнинг жорий этилиши, бир қатор имтиёзлар берилиши тўғрйли 13 мингдан зиёд нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу ислохотлар натижасида биз мактабгача таълимга қамров даражасини 62 фоизга, 6 ёшдаги болалар ўртасида эса 77 фоизга етказишга эришдик.

Янги турдаги таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Биргина 2020 йилни оладиган бўлсақ, юртимизда математика фани бўйича 56 та, кимё-биология фани бўйича 28 та, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича 14 та ана шундай мактаблар ташкил этилди.

Таълим соҳасида янгиға ёндашувлар фаол жорий этилмоқда. Ўзингиз айтинг, бундан тўрт-беш йил олдин республикамызда хусусий мактаб ёки боғча бўлишини тасавуур қилиш мумкинмиди?

Биз бу соҳада жаҳон тажрибасини ўрганиб, янги тартиб-қоидаларни, замонавий таълим усулларини жорий этмоқдамиз. Жумладан, хусусий мактаб очиш учун лицензия олиш тартиби соддалаштирилди. Нодавлат таълим масканлари давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани тўғрйли ҳозирги вақтда уларнинг сони 195 га етди.

Буларнинг барчаси ўз ижобий натижасини бермоқда. Буни 2017-2020 йилларда ўқувчиларимиз нуфузли халқаро фан олимпиадаларида 30 та медални қўлга киритгани мисолида ҳам аққол қўриш мумкин.

Ёшларни талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш учун ўтган ўқув йилида 339 та касб-ҳунар мактаби, 194 та коллеж ва 195 та техникум фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда ислохотларимиз талаби, ҳаётнинг ўзи олий таълим соҳасини жадал ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу боис юртимизда сўнгги 5 йилда 64 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилди. Қабул квотаси 3 баробар оширилди.

Эндиликда битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан – шунга эътибор беринг – 28 фоизга етказилди. Яқин келгусида ушбу кўрсаткич ни 50-60 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини, авваломбор, ёшларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимиз марказида турибди. Шу мақсадда жорий йилда ногиронлиги бўлган ёшлар учун – 3 минг 155 та, "Меҳрибонлик" уйлари ва Болалар шахарчалари битирувчилари учун – 1 минг 580 та, кам таъминланган оилаларга мансуб хотин-қизлар учун – 2 мингга қўшимча қўриб қўйилган давлат гранти сифатида ажратилди.

Бугунги кунда янгиға ва мустақил фикрлайдиган, маъсулиятли, ташаббускор, ватанпарвар ёшларимиз жаҳон майдонларида турли соҳа ва йўналишларда юксак марраларни эгаламоқда.

Мана, яқинда Японияда бўлиб ўтган ХХХII ёзги Олимпия ўйинларида моҳир спортчиларимиз голиб ва совриндор бўлиб, барчамизни кувонтирдилар.

Айни кунларда Токиода ёзги Паралимпия ўйинлари қизгин давом этмоқда. Унда иштирок этиётган Ўзбекистон жамоаси аъзолари бугунги кунга қадар 5 та олтин, 4 та кумуш, 6 та бронза медалларини қўлга киритиб, ўзларининг тенгсиз матонатини намoён этмоқдалар.

Юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилётган мана шу жасоратли ўғил-қизларимизга янги муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.

Хурматли дўстлар!

Бугун мустақиллигимизнинг биринчи йилида турилган болалар ўттиз ёшга – айни камолот ёшига етди. Мен мана шу навқирон ёшларимизга, азиз ўғил-қизларимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман.

Сиз истиқбол фарзандлари, озов ва эркин, хур фикрли инсонлар сифатида ҳайтга дадил кириб келаетганингиз биз учун энг катта бахт, катта давлатдир.

Мен ишонман, сизлар замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини пухта эгаллаб, биз бошлаган ишларни муносиб давом эттирасиз.

Юксак ғайрат-шижоатимиз ва фидокорона меҳнатингиз билан юртимизда Янги Ўзбекистонни – Уччинчи Ренессансни бунёд этишга албатта қодир бўласиз.

Ҳеч қачон бўш келманг, азиз фарзандларим! Сизларга ҳамиша бахт ва омад ёр бўлсин!

Мўҳтарам ватандошлар!

Ҳаммангиз гувоҳи бўлиб турибсиз, сўнгги йилларда биз "Халқ ва армия – бир тану бир жон" деган эзгу тамойил асосида Куролли Кучларимизни янада такомиллаштириш, давлатимизнинг мудофаа салоҳиятини ошириш бўйича муҳим ислохотларни амалга оширдик. Миллий гвардия, Давлат мудофаа саноати қўмитаси тузилди.

Соҳада замонавий кадрларни тайёрлаш, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг оила аъзоларини, ҳарбий пенсионерларни қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда миллий армияимизнинг тезкор ва ихчам, ҳар қандай таҳдидларга муносиб зарба бoришга қодир жанговар кучга айланиб бoраётгани бизнинг энг катта ютугимиздир.

Албатта, армия фақат қурол ва аслаҳа билангина кучли ҳисобланмайди. Армия аввало она Ватан учун жонини ҳам аямайдиган ҳар-

бийлар – аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар билан қудратлидир.

Бугун Куролли Кучларимиз сафида Ватан ҳимоячиси бўлишни ўз ҳаётининг маъно-маъмуни деб билган ҳақиқий баҳодир, марди майдон фарзандларимиз хизмат қилмоқда. Улар Амир Темур, Жалолдин Манғуберди, Бобур Мирзо каби буюк бoболаримизнинг жанговар маҳоратини шараф билан давом эттирмоқда.

Ҳар қандай шароитда ҳам ўз бурчини виждонан бажаришга қасамёд қилган мард ва жасур посбонларимизнинг фидокорона хизматлари ва жасоратини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек муқаддас ва маъсулиятли ишга бағишлаган ва буни ҳар кунни, ҳар дақиқада амалда исботлаётган она юрт қалқонлари бизнинг фаҳримиз ва ғуруримиздир.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида давлат, жамият ва шахс ҳаворатини таъминлаш тизими тубдан ислох қилинмоқда. Бунинг учун энг қуйи тизим – профлактика инспекторлари тизими замонавий тузилма сифатида шакллантирилди. Улар эндиликда маҳалла идоралари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бoрмоқда.

Бугунги кунда 2017 йилга нисбатан жиноятлар сони 12 мингга камайгани, жорий йилнинг олти ойи якунига кўра эса, мавжуд 9 минг 251 та маҳалладан қарий 50 фоизиде биронта ҳам жиноятга йўл қўйилмаганини алоҳида таъкидлаш лoзим. Бу албатта ислохотларимизнинг ижобий самарасидан дoлат беради ва бу ишларимизни изчил давом эттиришни тақозо этади.

Қадрли тантана иштирокчилари!

Мамлакатимиз янгилашиш даврига қадам қўйган биринчи кунлардан бошлаб биз очиқ, прагматик ва амалий тақши сибсатиде келаетганимиз сизларга яхши маълум.

Ўтган қисқа даврда Ватанимизнинг минтақа ва жаҳон миқёсидаги сибсий ўрни ва нуфузи кoскин ошди. Дунёда Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди.

Аввало, минтақамиздаги давлатлар билан дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари йўлга қўйилди. Чегаралар очилди, одамлар қамву қариндошлари билан алоқаларини тиклаб, бир мамлакатдан иккинчи давлатга эми-эркин бoриб кела бошлади.

Жаҳон сибсатуносларида "Марказий Осиб руҳи" деган ибора пайдо бўлди. Халқаро майдонда минтақа номидан янги ташаббуслар илгари сурила бошланди.

Марказий Осиб давлатлари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш яхши аёнанага айланди. Яқинда Туркманистонда бўлиб ўтган навбатдаги маслаҳат кенгашида ҳамкорликнинг янги, истиқболли йўналишлари белгилаб олинди.

Сўнгги кунларда ён қўшнимиз Афғонистонда юз бoраётган воқeаларни ҳаммамиз ташвиш билан қузатиб турибмиз. Биз бу мамлакатда тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши тарафдоримиз.

Афғонистон Марказий ва Жанубий Осиб минтақалари ўртасида ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашда кўприк вазифасини бажара олишига ишонамиз.

Афғонистон билан алоқаларимизда дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ички ишларга аралашмаслик тамойилларига содиқ қоламиз.

Ушбу мамлакатда ҳoқимият транзити халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларини инобатга олган ҳолда, миллий келишув асосида тинч йўл билан амалга оширилиши ўта муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ўтган даврда Россия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Туркия, Бирлашган Араб Амириклари ва бошқа мамлакатлар билан самарали битим ва келишувларга эришдик. Америка Қўшма Штатлари ва Фарб давлатлари билан прагматик ҳамкорлик сари янги қадамлар ташланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислom ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро тузилмалар билан алоқалар сифат жиҳатидан янги бoсқичда давом эттирилмоқда. 2019 йилда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига тўла ҳуқуқли аъзо бўлдик. Бу мамлакатимиз учун халқаро майдонда янги иқтисодий, сибсий ва маданий имкониятлар очиб берди.

Ўзбекистон Евроосиб иқтисодий иттиқоқи билан қузатувчи давлат мақомиде қисқа даврда самарали алоқаларни йўлга қўйишга эришди. 2020 йилда мамлакатимиз илк бор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида раислик қилди. Бу давр пандемия шaroитида ўтганига қарамасдан, Ўзбекистоннинг бу бoрадаги фаолияти муваффақиятли ташкил этилди ва юқори баҳоланди.

Бу йил Шанхай ҳамкорлик ташкилоти раислигини қабул қилиб оламиз ва унинг келгуси йили ўтадиган Саммитга пухта тайёргарлик кўряямиз.

Иқтисодий дипломатия воситаларидан самарали фойдаланиш республика экспoрти ва инвeстициялар оқимиға ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Чет эллардаги ватандошларимизни қўллаб-қувватлашга, улар билан самарали ҳамкорлик қилишга катта эътибор берилмоқда. Улар республикамыздаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга жалб қилинмоқда. Яқинда ана шундай муҳим вазифалар билан бeвoсита шуғулланадиган "Ватандошлар" жамоат фондини ташкил этганимиздан барчангиз хабардорсиз.

Айни пайтда узоқ-яқиндаги барча тараққийпарвар мамлакатлар билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш бизнинг устувор мақсадимиз бўлиб қолади.

Бугунги қувончли кунда биз билан давримизда ўтирган хоржиж давлатларнинг муқтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакилларига, чет эллик шерикларимизга, келажакнинг барча дўстларига тинчлик ва равнақ тилаймиз. Хусусан, тантанамизда иштирок этиётган Франция Сенатининг ҳурматли вакилларига қуқур эҳтиромимизни билдирамиз.

Хурматли юрдошлар!

Ҳаммангизға яхши маълумки, шу йил 24 октябрь куни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президент сайлови бўлиб ўтади.

Сўнгги беш йил мобайнида мамлакатимиз миллий сайлов қонунчилигида жиддий ўзгаришлар юз берди. Нуфузли халқаро экспертлар таъкидлаганидек, янги Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини изчил такомиллаштириш ҳамда сайловларни ўтказиш амалиёти сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди.

Бу галги Президент сайловлари илк бор 2019 йилнинг 25 июнида қабул қилинган Сайлов кодекс асосида бўлиб ўтади.

Бу сайлов барчамиз учун Ўзбекистоннинг келгуси тараққиёти қандай йўлдан бoради, фарзандларимиз, оиламиз, мамлакатимиз келажакни қандай барпо этамиз, деган ҳал қилувчи саволларга жавоб берадиган гоят муҳим сибсий тадбирдир. Шунинг учун ушбу сибсий жараёнга қўпмиллатли халқимиз ҳам, жаҳон ҳамжамияти ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан қарамоқда.

Сайловда дунёнинг 50 га яқин мамлақати ҳамда ўнлаб халқаро ташкилотлардан қузатувчилар иштирок этиши кутулмоқда.

Шу маънода, бўлгуси сайловлар юксак демократик мезонлар асосида ўтади ҳамда янги Ўзбекистон халқининг ўсиб бoраётган сибсий тафакқулини, ижтимоий фаоллиги ва маданий сависини яққол намoён этади, деб ишонаман.

Азиз ва муқтарам ватандошларим!

Биз кейинги йилларда белгиланиши маҳкам боғлаб, миллий манфаатларимизни таъминлаш, халқимизнинг рози қилиш йўлида сидқиқидан меҳнат қилиб, гоят муҳим натижаларни қўлга киритмоқдамиз.

Энг асосий натижа – бошлаган ислохотларимиз ортга қайтмайдиган муқаррар тус олганида, бугунги жамиятимизнинг маънавий уйғонишида намoён бўлмоқда.

Маънавий уйғoқ жам

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Жойларда йирик заводлар, кичик саноат зоналари, инфраузилма иншоотлари, IT-парклар ишга туширилди. Саноат ва қишлоқ хўжалигида кластер тизими йўлга қўйилди. Тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани аҳолини иш билан таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.
– Бугун ишонч билан айта оламизки, Ўзбекистон учун глобал инқирознинг оғир дамлари ортда қолмоқда, – деди давлат раҳбари.
Иқтисодиёт ривожини аҳолининг реал ялпи даромади 2016 йилга нисбатан 28 фоизга ўсга-

дан 28 фоизга етказилди. Бундан ташқари, ёшлар талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатилмоқда.

Тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, ҳаққаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишларнинг аҳамияти қайд этиб ўтилди.

Охириги йиллардаги очик ва прагматик ташқи сиёсат туфайли мамлакатимизнинг минтақа ва жаҳон миқёсидаги нуфузи ошди. Дунёда Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва ҳамкорликка интилиш тамоиллари кучайди.

Минтақамизда дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари йўлга қўйилгани натижасида

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» БОҒИ ВА МУСТАҚИЛЛИК МОНУМЕНТИ ОЧИЛДИ

2021 йил 31 август куни истиқлолимизнинг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган «Янги Ўзбекистон» боғи ва Мустақиллик монументининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

– Бугун барчамиз, кўп миллатли бутун халқимиз жонажон Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллик қутлуг байрамининг қувончи ва шуқуҳи билан яшамоқдамиз. Азал-азалдан обод шаҳар ва қишлоқлар, боғу роғлар, бетакрор маданий обидалар бунёдкори сифатида шуҳрат қозонган меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз пандемия ва глобал иқтисодий инқироз таъсирига қарамасдан, ушбу тарихий санани муносиб меҳнат зафарлари, улкан ютуқ ва ғалабалар билан қутиб олмақда, – деди давлатимиз раҳбари.

Ушбу боққа жорий йил 1 май куни илк кўчлар қилган эди. Тарихчи олимлар, ижодкор зиёлилар, нурунийлар ва ёшлар билан маслаҳатлашиб, «Янги Ўзбекистон» мажмуасининг гоҳийи ва мезморий ечимларига алоҳида эътибор қаратилди.

Агар юқоридан назар ташланса, боғнинг шакли улкан дарактнинг бешта шоҳига ўхшайди. Бу Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишини рамзий маънода ифода этади.

Бу гўзал боғда пойтахтимиз аҳолиси, барча ҳудудларимиз ва хориждан келадиган меҳмонлар яраб дам олиши, оиласи, фарзандлари билан бирга мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча замонавий шароитлар яратилмоқда. Сунъий кўл, спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари, амфитеатр, фавворалар, савдо ва хизмат кўрсатиш объекти, хунармандчилик дўконлари ташкил этилмоқда.

Боғнинг марказий қисмида мухташам бадийи обида – Мустақиллик монументи барпо этилди.

– Биз бугун Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрамини кенг нишонлаёмиз. Лекин аслида, Ўзбекистон ҳудудидидаги миллий давлатчилик тарихи 3 минг йилдан зиёд даврни ташкил этади. Бу жаҳон фанида эътибор этилган илмий ҳақиқатдир. Ушбу монументни яратишда

мана шу концептуал гоҳийи ёрқин ифода этишга ҳаракат қилдик, – деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, эл-ўртимиз ўзининг қадимий ўтмиши давомида шонли воқеаларни, турли сино ва қийинчиликларни, зафарли даврлар билан бирга, фожияли кунларни ҳам бошидан кечирган. Мустақиллик монументида булар бадийи акс эттирилган.

– Ўтмишдаги ютуқ ва ғалабаларидан куч-қувват олиб, хато ва мағлубиятларидан хулоса ва сабоқ чиқариб яшайдиган халқ ўзининг тараққиёт йўли ва келажакни тўғри белгилай олади. Шу сабабли, биз ушбу ёдгорлик тимсолида Ўзбекистонимизнинг қадимий тарихидан бошлаб то бугунги кунга қадар юз берган энг муҳим воқеаларни муҳрлагани қарор қилдик, – деди Президентимиз.

Мажмуада буюк саркарда ва жаҳонгирлар, аллома ва мутафаккирлар, жаҳид боболаримизнинг ўлмас сиймолари акс эттирилган. Ўзбекистоннинг собиқ мустабид тузум давридаги оғир ва машаққатли ҳаёти, қатағон сиёсати, халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорат ва матонати таъсиридан лавҳаларда ифодаланган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлини акс эттиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ёдгорлик юртимизда янги Ўзбекистонни – учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш гоҳийи билан уйғун ҳолда барпо қилинган айниқса аҳамиятлидир. Унда миллий давлатчилигимизнинг рамзи бўлган Соҳибқирон Амир Темури салтанатининг мовий гумбази,



юлдузлар оламига қараб юксалган Мирзо Улуғбек расадхонаси, дунё илм-фани ва цивилизациясига бекиб ҳисса қўшган улуг мутафаккир боболаримизнинг энг нодир илмий кашфиётлари ўзининг бор маҳобати ва шуқуҳи билан кўз олдимизда яққол намоён бўлиб турибди.

Тинчлик ва эркинлик, эзгулик ва фаровонлик тимсоли бўлган, кўнда мағрур парвоз қилаётган Хумо куши тасвири монументнинг энг юқори қисмида – бамисоли унинг гултожи бўлиб ўрин эгаллаган.

– Мустақиллик монументи она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қаҳрамон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида сифатида қад ростлади. Монумент пойига битилган: «Халқимиз тарихида эзгу из қолдирган барча аждодларимиз доимо қалбимизда», деган чуқур маъноли сўзлар ота-боболаримиз хотирасига бугунги авлодларнинг юксак ҳурмат ва эътиромини англайди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Маросимда нурунийлар, фан ва маданият намояндалари сўзга чиқиб, барчани ушбу воқеа билан табриклади.

Президент Шавкат Мирзиёев жамоатчилик вакиллари билан бирга Мустақиллик монументини очди. Мажмуа пойига гуллар қўйилди.

ЎЗА

ВАТАН ФИДОЙИЛАРИНИНГ ҲАЁТИ ВА МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ, ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 август куни пойтахтимиздаги Шаҳидлар хотираси хийбонига ташриф буюрди.

У ерда жамоатчилик ватанимиз фидойилари, миллий истиқлол йўлида қурбон бўлган аждодларимиз хотирасини ёд этиш учун йиғилди. Қурбон тиловат этилиб, ўтганлар ҳақида дуо қилинди. Элга ош тортилди.

Мустабид тузум даврида юртимиз озодлиги учун қурашган 100 мингдан ортиқ ватандошларимиз қатағонга учраган. Уларнинг қанчаси «халқ душмани» деган тухмат билан шафқатсиз отиб ташланган. Яна қанчаси сургун қилиниб, азоб-ўқубатларга дучор этилган. Оилалари пароканда бўлиб, мол-мулкларини тортиб олинган. Бу муҳдиш жиноятдан муштарак номоларимиз, оналаримиз ҳам омон қолмаган. Минглаб аёллар бева, болалар етим қолган.

Бу нафақат уларнинг авлодлари, балки бутун халқимиз юрагидаги оғриқдир. Шу боис орадан шунча вақт ўтса-да, барчамиз ўша муҳдиш даврни изтироб билан эслаймиз.

2001 йилдан буён 31 август – «Қатағон қурбонларини ёд этиш куни» сифатида нишонлаб келинмоқда. Ватан фидойиларининг ҳаёти ва меросини ўрганиш, хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу йил Шаҳидлар хотираси хийбонига бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи биноси реконструкция қилинди.

Давлатимиз раҳбари ушбу музейни кириб кўрди. У ерда яратилган шароитлар, тарихий ҳужжатлар билан танишди.

– Қўриниб турибдики, катта салоҳиятга эга етакчилар, олимлар, адиблар, шифокорлар, ўқитувчилар қатағон қилинган. Улар халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Мустабид тузумга миллат кўзини очадиган, унга ўзлигини танитадиган зиёли инсонлар керак эмас эди. Уларнинг айби – буюк бўлгани, – деди Шавкат Мирзиёев.

Афсуски, шу пайтгача қатағон қурбонларининг тўлиқ рўйхати шакллантирилмаган эди. 2020 йил 8 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинди.

Тарихчи олимлар жалб этилиб, зулм қурбони бўлган барча инсонларни аниқлаш ва номларини тиклаш бўйича катта ишлар бошланди. Чет эллардаги архив ва музейлар, кутубхона ва фондлар билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилиб, илмий экспедициялар ташкил этилмоқда. Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Фанлар академияси ва бошқа ташкилотларнинг архивларидан янги-янги маълумотлар топилаётган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда қатағон қурбонларига бағишланган музейлар ташкил этилди. Уларда расмий материаллар билан бирга оилавий архивларда сақланиб қолган кўплаб тарихий ҳужжатлар, нобб суратлар тўпланмоқда. Қатағон қурбонларининг ном-

лари, уларнинг ҳаёти ва фаолияти вилоятлар, туманлар кесимида аниқланмоқда. Бу маълумотлар асосида кўп жилдлик «Қатағон қурбонлари» китоби нашрга тайёрлана-япти.

Президентимиз бундай илмий асарлар билан бирга мактаб ўқувчилари учун содда тилда, кичик-кичик китоблар чиқариш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга Тарих институтининг илмий ходимларини бириктириб, ҳар бир ҳудуддаги жаҳид боболаримиз, қатағон қурбонлари номи тиклаб бориш бўйича кўрсатма берилди.

Давлатимиз раҳбари тарихни ўрганиш ва ўргатиш ва-зифалари ҳақида гапирди.

– Биз шу вақтгача тарихнинг ўзимизга ёққан жойларини олиб, ёқмаган томонини яшириб ўтдик. Бировга ёқадими-ёқмайдими, ғуруримизми-армонимизми, муваффақиятми ё хибатими – ҳаммасини ҳаққоний ёзиш керак, – дея таъкидлади Президент.

Ҳақиқатни тиклаш борасидаги яна бир қадам – шу йил 25 август куни Ўзбекистон Олий суди томонидан 115 нафар қатағон қурбони оқланди. Президентимиз бу қарорни олқишлади.

– Орадан қарийб юз йил ўтиб адолат қарор топди. Миллий истиқлолимиз учун кураш олиб борган, лекин реабилитация қилинмай қолган 115 нафар бобомизнинг пок номлари оқланди. Ҳали бундайлар қанча? Ватанпарвар инсонларнинг шаънини тиклашга қаратилган эзгу ишларни давом эттириш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Хийбондаги рамзий қабр ёнида нурунийлар, уламо ва зиёлилар билан мулоқот бўлди. Давлатимиз раҳбари аждодлар хотираси, бугунги мустақиллик ва тинчлик қадри ҳақида гапирди.

– Жаҳид боболаримиз юртимизни озод этишга, қолоқликдан олиб чиқиш, ҳамма соҳаларни ривожлантиришга борини бағишлаган. Бунинг бадалини ўз жонлари билан тўлаган. Биз бугунги мустақиллик, тинчлик, эркинлик шароитида уларни эслашимиз, эъзозлашимиз ҳам қарз, ҳам фарз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Дунёда бўлаётган воқеаларга оғоҳ кўз билан қараш, тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш муҳимлиги таъкидланди.

– Ҳамма натижалар, мана шундай байрамларимиз тинчлик туфайли. Ишларимиз, ибодатларимиз тағида илм-маърифат бўлиши керак. Ислоҳ цивилизацияси маркази, Ислоҳ академияси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказларини ташкил этдик. Буюк муҳаддис ва ислом дини улаомларимиз асарлари нашр этилмоқда. Янги тахрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун шу масалаларга қаратилган. Имом-хатиблар, диний жамоатчилик маънавиятини юксалтириш, меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ёшларга тўғри тарбия беришга бундан буён ҳам ҳисса қўшадилар, деб ишонаман, – деди Президент.

Аллоҳдан ўтганларга раҳмат, юртимизга тинчлик ва фаровонлик тилаб дуо қилинди.

ЎЗА

31 АВГУСТ – ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ХОТИРЛАШ КУНИ

Ўтган асрнинг 30-йиллари собиқ мустабид ҳокимият томонидан ўзбек миллий адиблари, шоирлари, олимлари, хуллас, маданият ва маърифат ходимларининг ҳаёти ва фаолиятига қонунсиз равишда аралашиб, уларни арзимас нарса учун жазолаш авжига чиққан йиллар бўлди. Айримлар ошқора қамалиб сургун қилинди, ҳатто оғир жазога дучор этилди. Айримлар сўроққа чақирилиб, бир-икки ой сўроқдан кейин озод этилган жон таслим қилдилар. Ана шундай кишилардан бири сўнгги қаландар-шоир Партавдир.

ҒАФУР ҒУЛОМНИ ЙИҒЛАТГАН ҚАЛАНДАР

Даврнинг оғирлиги, ижод аҳлининг ижодига ижтимоий-сиёсий челоқлар қўйилганига қарамай, аҳли ижод бир-бирини йўқлашдан, халқ манфаати учун ишлашдан ҳайиқмаган, қўрқмаган. Наманган адабий муҳити ўзига хос бир савияда бўлиб, ўша даврдаёқ Ўзбекистон халқ шоири унвонига сазовор бўлса-да, зўрга ҳаёт кечираётган атоқли ижодкор Мухаммадшариф Сўфизода билан учрашиб адабий суҳбат қуриш учун Тошкентдан Абдулла Қодирий, Чўпон, Ғафур Ғулом келиб туришган. Сўфизода ва Рафиқ Мўмин нийоятда қашшоқ умр кечиргувчи, мажруҳ бўлса-да, қалби шеър уҳматига лиммо-лим шоир Партав билан учрашиб, шеърхонлик қилишган ва шоирга иқтисодий-маънавий ёрдам бериб туришган.

Шоир Партав асли Самарқанддан бўлиб, қачонлардир Наманганга келиб жойлашиб қолган қаландарлардан эди. Тергов материаллари у «Қаландар» дейилган. У жисмонан мажруҳ киши бўлиб, муқим турар жойи йўқлиги боис масжидда яшаган. Партав ҳофизасининг ўткирлиги, шоирлик қуввати ва ўзгаларнинг форс ва ўзбек тилларидаги шеърларини ёддан ўқishi кўпчиликини, айниқса, Сўфизодадек кишиларни ўзига ром этган. Ушбу далиллар билан танишгач, шоир ҳақида маълумот излашга тушдим.

Орада атоқли шарқшунос олим Исматулла Абдуллаевнинг қатағон мавзусидаги бир мақоласига кўзим тушди. Аммо у киши ҳам шоирни ҳурмат билан тилга олган ҳолда

шахсиятини аниқлай олмаганлигини баён қилган эди. Кўпгина манбаларни излай-излай охири домла Пўлатжон Қайомийнинг «Тазкирани Қайомий» асарининг учинчи дафтаридан қуйидаги маълумотларни топдик. «Бу киши, — деб ёздаи домла Пўлатжон Қайомий, — Самарқанд атроф туман ўзбекларидан бўлиб, номи Мулла Нўмон Бадалдур. Ўз отаси ҳам ўқимишли кишилардан бўлмишдир. 1920 йилда Самарқанддан чиқиб сайру саёҳат ила Хўжандга, 1921 йилда Фарғона водийсига келишди. Қатағон даҳасида Эшон Шифеъ номи шайхнинг ўғли Сафохон маҳдумга меҳмон бўлиб 15инчи участка масжидида турмишдир. Кўп қўли ишламайдиган, нотавон одам экан. Шундай бўлгани ҳолатда гашти гузар, сайру саёҳат қилар, қаландарона вазиятда бўлмишдир. Бундан Наманган шаҳарига бориб Собитхон деган киши(га) меҳмон бўлмиш ва бо-шқа жойларда ҳам юруб охирда 1931 йилда ҳибсга олинмишдир ва Наманганда вафот этмишдур» («Тазкирани Қайомий»). Ушбу кўчирмадан маълум бўляптики шоир Партав 1931 йилда ҳам НКВД томонидан ҳибсга олинган ва қўйиб юборилган.

Ўзбек шоирларининг ортидан қўйилган қорахамсой ўз хўжайинларига 1936 йил 26 майда қуйидагича хабар беради: «Яқинда Тошкентдан Ғафур Ғулом деган шоир келди. Улар Сўфизода билан бирга Партавнинг хузурига бордилар. Тож Раҳмон уйда суҳбат қуришди».

«Чаён» лақабли қорахамсойнинг маълумотига қараганда, айнан ўша куни, яъни 1936 йил 26 май куни «Мухаммадшариф Сўфизода, Ғафур Ғулом, Наманган ёзувчилар уюшмасининг раиси Исҳоқ Исмоилов билан бирга Партав билан учрашиб, собиқ «Нашри маориф» жамиятининг аъзоси, му-даррис ва адвокат, «Кутадгу билиг»ни сақлаган киши Тож Раҳмон уйда узок суҳбат қурадилар. Партав суҳбат асносида Ғафур Ғуломнинг илтимоси билан исломий мазмундаги форсий шеърлар ўқиган. Шоир Ғафур Ғулом Партав ўқиган шеърларни тинглаб, кўзига ёш олиб, йиллаган. Учрашувдан сўнг Ғафур Ғулом Исмоиловдан Партавга ёрдам беришни сўраган. Шундан кейин шаҳар ижрокўмининг раиси махсус қарор чиқариб, 1936 йил 3 июлда Партавга 500 сум қўшимча ёрдам пули берилди. Бошқа бир қорахамсой хабар беради: «Партав Ғафур Ғулом билан учрашганидан жуда ҳам мамнун. Шоир Партав: «Менга Сталин ҳам, шўро ҳукумати маоши ҳам керак эмас, фақат Ғафур Ғулом мени қувватлаб турса бас» деган. Ушбу воқеадан кейин бечора шоир НКВД ходимлари томонидан қамоққа олинди.

Шоир Партав 1936 йилда иккинчи марта қамоққа олинган. Тергов мате-риалларида келтирилган маълумотлар 1936 йил май ва июнь, июль ойларига тегишлидир. Шоир қамоққа олиниб, қаттиқ сўроқ қилинган, чамаси ногиронлигини қўриб, ноилжо чиқариб юборишган, бироқ шоир бу воқеадан кейин кўп яшамаган ва ўша йили Наманганда вафот этган. Собиқ шўролар ҳукумати учун кишиларнинг жисми, ҳаёти унчалик аҳамиятли бўлмаган. Шоир маърифатпарвар бўлса бас, у душман ҳисобланган... Шоир Партав тақдири бунга яққол мисол...

Сирожддин АҲМАД

Ошиқ ЭРКИН



АДИБЛАР ХИЁБОНИ

Адиблар хиёбонин кездим,
Унда мен ажиб бир хис сездим.
Турарлар боғда саф тортиб донолар,
Хайкалга айланган сиймолар.

Қадам кўйдим маъюс, ал-амон,
Гуркираган хиёбон томон.
Айлаб кўйди холим паришон,
Хайкалга айланган сиймолар.

Мижа қоқишмайди субху шом,
Барчаси сохиби эхтиром.
Сўнг масканда топишган ором,
Хайкалга айланган сиймолар.

Пир Навоий – барчага устоз,
Буёқ мерос қолдирган мумтоз,
Улуғлар аро Огахий сарфароз –
Хайкалга айланган сиймолар.

Суюкли Абдулла Қодирий,
Абдулла Авлоний эрди ноидри,
Бехбудий ҳам доноларнинг бири –
Хайкалга айланган сиймолар.

ВАТАН МУҲАББАТИНИ КЎЙЛАЙМАН...

Хизматингиз хаддан зиёда,
Сизча эмас меҳригиде-да,
Бокий яшайсиз бу дунёда,
Хайкалга айланган сиймолар.

Юракларда турарсиз балкиб,
Дарё бўлиб чайқалиб, қалкиб,
Сизни асло унутмас халқим,
Хайкалга айланган сиймолар.

Ошиқ Эркин дер: то бор башар,
То махшар, то минг йиллар оша,
Рухларингиз дилларда яшар,
Хайкалга айланган сиймолар.

БАХТ ҚЎШИҒИ

Бахтиёрман элимга хурлик бокқанидан,
Бағрига Ҳақ эрк нишонин такқанидан.
Истиклол нури кўкдан дув-дув ёққанидан,
Яйраб гулзорларининг сўлу соғинда,
Қарс уриб юрибман Ватан кучоғинда.

Кам ери бўлмай қолди юртнинг жаннатдан,
Гуллаб диёрим кучу қудрату ғайратдан,
Жаҳон аҳли лол ёқа ушлаб хайратдан,
Яйраб гулзорларининг сўлу соғинда,
Қарс уриб юрибман Ватан кучоғинда.

Барҳам топиб ғам-андухи асрларнинг,
Саног ийқ бўй тиккан зўр қасрларнинг,
Шодлиги чексиз кўзи тушган басирларнинг,
Яйраб гулзорларининг сўлу соғинда,
Қарс уриб юрибман Ватан кучоғинда.

Хидоят нури равшан айлаб йўлларимиз,
Қайга чўзсак етар бўлди қўлларимиз,

Адолатдан бахраман кўнгилларимиз,
Яйраб гулзорларининг сўлу соғинда,
Қарс уриб юрибман Ватан кучоғинда.

Карвонимиз ишончли қўлда – қурдошимиз,
Омон бўлсин бошлаётган Юртбошимиз,
Ошиқ Эркин, сўнмас хуррият кўшимиз.
Яйраб гулзорларининг сўлу соғинда,
Қарс уриб юрибман Ватан кучоғинда.

ХОРАЗМ

Авваламбор яратган Ҳаққа минг қуллук,
Истиклол туфайли тенг бўлди ҳуқуқ,
Мустақиллик, сенга сонсиз тасаддуқ,
Эрк бағрида сайқал топиб тошгача,
Хоразмнинг кўрки бугун бошқача.

Кенг қулоч ёйиб элда эзгу ишлар,
Айни фарходона бўлди юришлар,
Кўк фалакларга чиқди қурилишлар,
Эрк бағрида сайқал топиб тошгача,
Хоразмнинг кўрки бугун бошқача.

Бунёдкорликнинг бўлмай сони-сумани,
Қолгани йўқ яшнамаган тумани,
Элда бирдай бахти қулди ҳамманинг,
Эрк бағрида сайқал топиб тошгача,
Хоразмнинг кўрки бугун бошқача.

Бўй чўзди қасрлар азим кўк қадар,
Барин қадди тоғлар ила баробар,
“Ховли тўй” қилишди юз минглаб нафар,
Эрк бағрида сайқал топиб тошгача,
Хоразмнинг кўрки бугун бошқача.

Гуллаб ҳаёт, барча ҳам бирдайн тўқ,
Бундай фаровонлик жаннатда ҳам йўқ,
Умри гўзал, барча қувнок, барча шўх,
Эрк бағрида сайқал топиб тошгача,
Хоразмнинг кўрки бугун бошқача.

Адолатдан бошлар ғоятда осмон,
Диёт туфайли эл дорилонинг,
Юртбошимизнинг ўзидир Бош сарбон.
Эрк бағрида сайқал топиб тошгача,
Хоразмнинг кўрки бугун бошқача.

Кўнглимиз хуш менгзаб дарё мавжига,
Санъатимиз чиқди яна авжига,
Канора йўқ Ошиқ Эркин хавжига.
Эрк бағрида сайқал топиб тошгача,
Хоразмнинг кўрки бугун бошқача.

ВАТАН МУҲАББАТИ

Ватан муҳаббатин қуйлайин мен ҳам,
Меҳр оҳанглари торга этиб жам.

Орзуим хар парда камалак бўлсин,
Ипак садоларга белансин олам.

Шайдолигим дoston этай гулзорда,
Барча булбуллари бўлсинлар хуррам.

Байрам чечаклари бош чайқаб турсин,
Сокин ранг тўққанда қўлингда қалам.

Обод диёр аро қолмасин асло,
Бахту саодатдан бебахра олам.

Муаззам Ватанда, эй Ошиқ Эркин,
Умрингни этолгин девон, муаззам.

Гулчехра УМИРОВА

ВАТАН

Шеърлар ўқидингиз узундан-узун,
Қадахлар жаранглр кўнгилни хушлаб.
Мен секин кетдим бориб тупрокда,
Манглайдан ўлдим чумоли ушлаб.

Ва ерга кўйдиму яна термилдим,
Донмас, ҳикмат тортар миттигина тан.
Кипригимда кичик ини бор, лекин
Шу кичкина индир энг улкан Ватан.

Ва кетдим Машрабдек ошиқ дил билан,
Қаландар кўшигин қуйлаб сайрона.
Кўзим нени кўрса севаман дедим,
Муҳаббатсиз йўллар бўлар вайрона.

Давралар чорлади, шеърлар ўқигин,
Ватани алкагин, Ватандан гапир.
Шу он ёдга тушар тўққизта туғиб,
Дала шийпонидан кетмаган кампир.

Тупрокни слайди қўллари хар тонг,
Ҳассаси ўпади ернинг юзидан.
Даврадан кетдим бориб айландим,
“Ватан” деб ёзилган қошу кўзидан.

Рост, Ватан хақида ташбехларим кам,
Кучим ҳам етмайди тоғни суришга.
Фақат эплай олдим кеча туғилган
Гўдагим кўксига Ватан қуришга.

ТОНГ

Тонг юзларин юваётган пайт,
Шулринг бўлиб тушар заминга.
Юлдузларни ичар бирма-бир
Ва айланар энг хуш дамингга.

Кўзларингни очасан беҳол,
Тонгнинг сизиб кирар нурлари
Ва оқарар юрагингача,
Артиб чикар шафак хурлари.

Туннинг сўнгги қора дардин ҳам
Юрагига ютар урмай бонг,
Сўнг шабнамга чайиб кўксини
Асраб қолар дунёни хар тонг.

Асраб қолар дунёни оклик,
Тун бағридан юлиб мезонни.
Сингирмайди қароликларни,
Тонг поклайди хар битта жонни.

ДИЛ ИЗҲОРИ

Юрглр кездим, камалак рангда,
Қамаштирди кўзларим, бироқ
Ўзга юртнинг оқ болишидан
Қора харсангтошинг яхшироқ.

Ўзга юртни қаламдан оққан
Сиёхингча суймадим, Ватан.
Қор остида қаҳратон урган
Гиёхингча суймадим, Ватан.

Сен ўзингсан бошпанам, онам,
Сен ўзингсан кўзлардаги ахл.
Деразмага бўйларинг чўзиб,
Остонамда қойлаб турган бахт.

Ватан, чўқдим пойингга мана,
Тяншану Помирим билан.
Кўксимдаги битта юрагу
Етмиш икки томирим билан.

Яна менда нима бор, Ватан,
Жўшқин сиёх, қаламдан бўлак?
Тинч ва озод ховлимда қулиб,
Чопиб юрган боламдан бўлак.

СОДИҚЛИК

Осмон осмонлигин қилди барибир,
Мени ерга ташлаб тупроқ бўлгани.
Хар тонг деразмдан шуъалар ташлаб,
Юнус парилари келди кўргани.

Мен жим яшайвердим дарахтлар билан,
Улардек сиримни сира сотмадим.
Итдек содиқ бўлдим она еримга,
Ўзга тупроқларда илдиз отмадим.

Тоғларга чиқдим тоғдек юксалдим,
Яна юрагимга ҳаловат қайтди.
Жами гиналарим фалакка отсам,
Бургутлар бошимда салават айтди.

ЮРАК СОАТИ

Кўнглимизнинг соати неччи?
Умримизнинг соати неччи?

Кўзларимга тикилиб туриб,
Неча ёшга кирганинг айт-чи?

Сочинг қори – йилларнинг йўли,
Кўнглингдаги қорларни кура.
Умримизнинг соати аниқ,
Юрагингнинг соатин бура.

Ҳаёт илм, кўнгли-чи нима?
Ё баридан тақдир асовми?
Юракка кир, юракни яшнат,
Кўлларингга тутмай қосовми.

Кўлларингни бўшат, гуллар тут,
Илдизига сув қуй, кўкартир.
Кўнглингни ёп, кўнглингни асра,
Сирларингни тубига яшир.

Юрагингнинг соатин бура!

МУҲАББАТ ВАСФИ

Сизда битта сир бордир,
Менда битта сир яшар.
Ўртамизда йўл эмас,
Тоғдай-тоғдай кир яшар.

Тилга кирар истаса,
Тохир оққан сандиклар.
Афсона ё эртақмас
Юракдаги чандиклар.

Охири йўқ, боши йўқ,
Севги сирли из бўлган.
Мажнунни телба қилган
Лайли хунук киз бўлган.

Асли ишқидир бу дунё,
Туғёнларда тиглатган.
Ҳатто муҳаббат васфи
Навоийни йиғлатган.

ЕЧИМ

Қузатаман сени жим туриб,
Ўз дунёинг ичра кечасан.
Болам, ўнта бармогинг билан
Яйраб-яйраб мисол ечасан.

Остин-устун бўлиб кетар фан,
Бармоқларинг гўё олов, чўғ.
Бир мисол бор дунёда, болам,
Уни ҳеч ким ечолгани йўқ.

Одам Ато ва Момо Ҳазор
Ер юзида бўлганда назира,
Улар эккан ҳаёт илдизи,
Улканлашиб кетгандир ҳозир.

Ўйнатасан ўнта бармогинг,
Хуш завқ ила боқурман сенга.
Бармогингмас, бутун вужудинг
Кўшиб қўйгин, болам, Ватанга.

Мирзамурод бобо уйдан бироқ на-
рироқдаги пасткам қирга ҳандалак эккан.
Полиз ёнлаб ўтсангиз, фарқ пишган ҳандалак
ҳиди гул этиб димоғингизга урилади,
тани-жонингиз яйраб кетади.

Мирзамурод оқсоқол чоғроқ чодирда
кечаю кундуз пойлоқчилик қилган. Бобонинг
кўнгли тўқ: очик-сочик ётган нараса билан
биронинг иши йўқ. Аммо кундузи
қўй-қўзи, тунда тулқилару жайралару по-
лизга қирон келтиради.

Бир куни Мирзамурод бобонинг
томорқасига ўғри тушибди, деган гап тарқалди.
Уша куни бобо сахармардонда
Дехқонбодга – бозорга кетган, томорқа
қаровчисиз қолган. Ёзининг жазирамаси
эмасми, каттаю кичик соя, салқин жой
истаб уй-уйига кириб кетган. Ёзги таътилга
чиққан болалар бундан фойдаланиб
қолишган.

Дам ўтмай шумтақалар “қўлга олинди”
– ўн икки-ўн уч ёшлардаги уч нафар бола.
Боласи тушмагурлар томорқа атрофидаги
чимдеворнинг пасткам жойини ўпириб
киришган эккан.

Олишгани икки ёки учта ҳандалак, холос.

Бобонинг ўғли Бухор муаллим таби-
атан ўта ҳазилқаш одам. У бевош бола-
ларни ағнатилган чимдевор ёнига олиб
борди-да, қўлларига кетмон, белкурак
тутқазди:

– Чим ўйиб, шестъ секундда деворни
тиклаб қўясанлар!

Камига кўрсаткич бармоғини сил-
таб-силтаб, пўписа қилди:

– Тагин қочиб қолишни хаёлга
келтирманглр. Овчаркам бор.

Бигиллатиб тутиб келади. Олдин
деворни аслидай тузатасанлар,
сўнг селларни эл олдида жазо-
лайман!

Бухор муаллим лойсувоқ уй-
нинг биқинига бориб, худди қаттиққўл
назоратчидай чордона қуриб ўтириб
олди. Айби борнинг оёғи қалтирайди:
болалар ҳам кўрқанидан дархол ишга
киришиб кетди. Кечга томон деворнинг
уйиқ жойини бинойидек тиклаб қў-
йишди.

– Камне, – муаллим болаларни бар-
моқ учиди имлади. Улар бурунларини
тортиб шумшайиб туришибди. Қулги-
си қистасаям муаллим жиддий туриб
пўписа қилади: – Мелисага хабар бер-
дим. Бугун вақти йўқ эккан. Эрта-ин-
дин келади. Унгача селларни молхо-
нага қамаб қўяман. Нарироқда сомон

– Камне, – муаллим болаларни бар-
моқ учиди имлади. Улар бурунларини
тортиб шумшайиб туришибди. Қулги-
си қистасаям муаллим жиддий туриб
пўписа қилади: – Мелисага хабар бер-
дим. Бугун вақти йўқ эккан. Эрта-ин-
дин келади. Унгача селларни молхо-
нага қамаб қўяман. Нарироқда сомон

– Камне, – муаллим болаларни бар-
моқ учиди имлади. Улар бурунларини
тортиб шумшайиб туришибди. Қулги-
си қистасаям муаллим жиддий туриб
пўписа қилади: – Мелисага хабар бер-
дим. Бугун вақти йўқ эккан. Эрта-ин-
дин келади. Унгача селларни молхо-
нага қамаб қўяман. Нарироқда сомон

– Камне, – муаллим болаларни бар-
моқ учиди имлади. Улар бурунларини
тортиб шумшайиб туришибди. Қулги-
си қистасаям муаллим жиддий туриб
пўписа қилади: – Мелисага хабар бер-
дим. Бугун вақти йўқ эккан. Эрта-ин-
дин келади. Унгача селларни молхо-
нага қамаб қўяман. Нарироқда сомон

– Камне, – муаллим болаларни бар-
моқ учиди имлади. Улар бурунларини
тортиб шумшайиб туришибди. Қулги-
си қистасаям муаллим жиддий туриб
пўписа қилади: – Мелисага хабар бер-
дим. Бугун вақти йўқ эккан. Эрта-ин-
дин келади. Унгача селларни молхо-
нага қамаб қўяман. Нарироқда сомон

– Ва-апше бўмайди! Қамалмасаларинг
кўзларинг жойига тушмайди! Давай, кет-
дик!

Шу пайт эшак минган Мирзамурод
бобо келиб қолди. Чол ўғлига хурмат юза-
сидан “домулла” деб муурожаат қиларди.

– Нима гап, домулла? – хайрон бўлди
бобо.

Улар тагин қайта тикланган чимдевор
ёнига боришди. Бухор муаллим тушунти-
ра кетди:

– Ота, бу шайтонваччалар мана бу де-
ворни ағнатиб, ўғирликка тушган эккан.
Узларига қайтадан созлатдим.

Бобо чимдеворга синчиклаб қара-
ди-да, буйинини ичига тортиб турган бола-
нинг эгнига қокди:

– Вой, менинг улларим-ей. Узи шу жой
қомайди деган бўлиб турувди. Туппа-тузук
тиклабсизлар-ку! Яшанглр, болажонла-
рим!

Бухор муаллим ёлғондакам норози
оҳангда тўнғиллади:

– Ота, доим болаларнинг ёнини олга-
нингиз-олган...

– Ширин-шакар болалар бўлганидан
кейин ёнини оламан-да!

Бухор муаллим яна нимадир демоқчи
эди, Мирзамурод бобо:

– Боринг, домулла, боринг, – деди. –
Улларим минан ўзим гаплашаман!

Сўнг сой томон эниб, томорқанинг
ёғоч панжарали қопқасини очди.

– Уларим, кўтарганларингча олабе-
ринглр! Кейин бир гап бўлар!

Болалар кучоқлари тўла ҳандалаклар
билан полиздан зўрға чиқишди. Мирза-
мурод бобо меҳрибонлик билан уларнинг
бошини силаркан:

– Мана энди, улларим, уйларингга
бориб, мазза қил ҳандалак женглр. Яна
ҳандалак жегиларинг кеса, ўзимга айтин-
лар. Хўпми? – деди.

Кўзига ёш қалққан болалар қилмиши-
дан минг пушаймон бўлиб, шом қоронғи-
сида уй-уйига равона бўлишди.

ҲАНДАЛАК

ҲИКОЯ

уюми ҳам бор. Эрта ё ин-
дингача юмшоқ жойда ёта-
санлар. Қани, молхонага
шагом марш!

Домла сойликка томон
йўл бошлади. Болалар дағ-дағ титрай-
ди:

– Муаллим, жо-он муаллим, бир мар-
та кечиринг, – дейишди йиғламсираб. –
Бошқа ўғирлик қилмаймиз!

Домласи тушмагур бошини сарак-са-
рак қилади:



Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмаси уюшма аъзолари ижодини республика ҳамда дунё миқёсида тарғиб қилиш, истеъдодли ёшларнинг мусикага меҳрини мустаҳкамлаш, фаолиятини омалаштириш борасида самарали ишларни амалга оширмоқда. Бу борада Ёзувчилар, Бадий ижодкорлар, Журналистлар ижодий уюшмалари, Театр арбоблари уюшмаси ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган “Сўз, оҳанг ва тасвир” номли туркум тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу тадбирларнинг маънавий давоми сифатида “Шу юрт фарзандларимиз” шiori остида ўтаётган “Ижодий баркамолликка интилиш” номли туркум учрашувларда ёш композиторлар, шоирлар, рассомлар, актёрлар фаол қатнашмоқда.

ИСТИҚЛОЛНИ МАДХ ЭТИБ

Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар доираси янада кенгаймоқда. Айниқса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси ва бошчилигида июнь ойида Жиззах вилоятида бўлиб ўтган “Зомин семинари”да ёш шоир, ёзувчилар қаври композиторларнинг ҳам қатнашгани улар учун янги илҳом манбаларини очди. Шунингдек, уюшманинг бир неча аъзоси чет давлатларда малака оширишга, халқаро танловларда совринли ўринларни эгаллашга мушарраф бўлдилар. Улар орасида Нурли Эркаев, Нодир Махаров, Акмал Сафаров, Фарҳод Назаров каби ёш ижодкорлар борлиги бизга ғурур бағишлайди. Махсус грантлар асосида Ойдин Абдуллаева, Хушнуд Назаров ва Нурли Эркаев Озарбайжонда, Шоида Фанихонова, Феруза Атамуллаева Белорусда, Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида касб малакаларини ошириб қайтидилар. Хукуматимиз томонидан ижодкорларга берилётган эътибор ва эътироф туфайли қисқа давр ичида турли жанрларда кўплаб асарлар ёзилди. М.Бафоевнинг “Алишер Навоий”, “Амир Темури” опералари, “Тумарис” мусикали драматизи, “Етти пир” ораторияси, бир

қатор концертлар, Д.Омонуллаевнинг “Амир Темури” балети, Д.Сайдаминнинг симфония-ораторияси фикримизнинг далилидир. Ҳ.Раҳимов “Фарҳод ва Сониё” балетини, “Йўқолган юрак” мусикали драматизи-ёзиб тугатди, “Алпомиш” ва “Она қалби” операларини янги тахрирда тақдим этди. Ўзим “Соҳибқирон” ва “Виждон” опералари, бир неча симфоник асарлар, кўшиқлар яратдим, ҳозирда “Лазги” хореографик сюитасини якунлаш арафасидаман. О.Абдуллаева “Увайсийман” кантатасини, “Зўрдан зўр чиқса...” мусикали комедиясини, ёш композитор А.Утегенов “Уруш одамлари” драматизи ёзилган мусикасини томошабинлар эътиборига ҳавола этди. Бир қатор бастакорларимиз киномузыка, телесериаллар бўйича катта ютуқларга эришдилар. Ҳарбий ватанпарварлик мавзусида, шунингдек, миллий эстрада жанрларида ҳам композиторлар сара асарлар яратишмоқда. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишланган “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” кўшиқлар танловининг якуний босқичида ўнга яқин композитор янги асарлари билан қатнашгани бизни қувонтирди.

Шу ўринда уюшма қошида фаолиятини бошлаган овоз ёзиш студиясидаги ижодий жараёнга ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига тўхфа сифатида юртимиз композиторларининг камер чолғу мусикалари, болалар кўшиқлари ва миллий эстрада кўшиқларидан ташкил топган учта махсус диск тайёрланмоқда. Мазкур дисклар яқин кунларда катта ададда чоп этилади. “Асака” тижорат банки ҳомийлигида атоқли композиторлар асарларининг электрон архивини, фонотека ва видеотекаларини ташкил этиш бўйича қизғин ишлар олиб боришмоқда. Айни пайтда атоқли композиторларнинг симфоник асарларидан тузилган диск чиқарилди. Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Женисбек Пиязов лойиҳаси асосида “Ўзбек романслари” тўплами махсус дискларда нашр қилинди. Уюшма аъзоларининг бир неча муаллифлик нота тўпламлари, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар, махсус адабиётлар, монографиялар нашр этилдики, буларнинг барчаси ёш авлоднинг профессионал ва баркамол мутахассислар бўлиб етишишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. “Илҳом” жамоат фонди томонидан ёши улғу композиторлар, бастакорлар ва мусикашуносларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатилмоқда, улардан мунтазам хабар олиб турилмоқда, соғлиғини тиклаши учун маблағ ажратилмоқда. 2020 йили уюшманинг фаол аъзолари ипотека кредитлари асосида уй-жой билан таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, уюшма жамоаси ва аъзолари Ўзбекистонда профессионал мусика маданиятини тарғиб қилиш, ёш авлодга мусика санъатини ўргатиш, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш йўлида бор имкониятларини сафарбар қилганлар.

Рустам АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси



ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

БОЛАЛАРНИНГ БЕГУБОР ШОИР БОБОСИ

— Синфимизда энг кучли ким?
— Турди.
Ўтган сафар Бурҳонни Кўтариб ерга урди...
— Акрам энг зўр, — деди қизлар,
Болалар кўлди гуррос.
— Синфимизни ёлғиз ўзи
Орта тортар, бу рост!
— Бу рост!

Кўриб турганингиздек, ифода услуби содда, раво. Воқеа баҳорда бўлиб ўтаётганини, ўқувчиларнинг боғбонларга ёрдамлашганини англаш қийин эмас. Мен эса, эътиборингизни шеърдаги ўхшашмаларга қаратмоқчиман. Шоир дарахтларнинг йил бўйи чиқарган бачки новдаларини “соч-соқол”га, оқланган дарахтларни эса “оппоқ пайпоқ” кийиб олганга ўхшатмоқда. Бир қарашда одатдаги ишлар, ҳаммага таниш табиат. Аммо шоир уни жонлантирган.

“Хаммамизга” деб номланган шеърда эса, болаларга хос муғомбирликни, қувноқ қизганчиликни кўриш мумкин:

Гапга солар амакиси Лайлин:
— Сўхарингдан менга ҳам бер, майлими?

— Ўзи учта, майлига.
Бирни менга, бири укам Сайлига.
Қолгани-чи, тоғам, холам ва Сизга,
Ҳаммамизга...

Бу шеърни табассумсиз ўқиб бўлмайди. Шоир болаларга хос характерни шакллантириб бера олган. Бола аслида қизганмайди, беради, лекин берганидан ҳам татиб юргиси келмади: Қизик-а? Бу фақат болаларга хос характер. Иккинчи сатрда “сўхари” сўзи ишлатилади. Аслида эса қотирилган ном. Аммо бу сўз болалар тилида шу қадар омалашиб кетганки, уни ҳамма тушунади.

Турсунбой Адашбоев шеърлар орқали болаларни тарбиялашга, уларни фикрлашга ўргатишга алоҳида аҳамият қаратган. Болаларга атаб шеър ёзганда вазнлари содда, қувноқ бўлиши кераклигини, ҳар қандай шеър уларнинг сўз бойлигидан келиб чиқиб ёзилиши кераклигини, болалар учун тушунарли сўзларни қўлласликни таъкидлади. Турсунбой Адашбоев шоир Салим Ашурининг “Қандай бола келажакда комил инсон бўлиб етишади?” деган саволига қуйидагича жавоб берган эди:

“Орауларни бисёр, ҳаёл дунёси бепоён бола, албатта! Ораулар ёшу қари — ҳамма-хаммага бирдай куч-қувват бағишлайди, юксакларга чорлайди. Эртагу афсоналарни, аллаю достонларни тинглаб улғайган бола ҳеч қачон ёмон одам бўлмайди, ундан буюк санъаткор, жасур фазогир, машҳур рассом, назари йўқ инсон, ҳеч бўлмаса, оддийгина яхши одам чиқishi имботланган ҳақиқат”.

Бугун болалар адабиётида истеъдодли ижодкорларга эҳтиёж катта. Зотан, болаларни тарбиялашда, уларнинг тасаввурини шакллантиришда, дунёқарашини бойитишда адабиётнинг ўрни беқиёс. Болалар адабиёти янги овозларни, янги истеъдодларни кутмоқда!

Юқоридаги шеърни ўқиган юзингизга табассум югурса, ажаб эмас. Бу болаларнинг севимли шоири Турсунбой Адашбоевнинг “Ким полвон?” шеърдан парча. Болалар адабиёти қайфият улашши баробарида ўқувчини тарбиялайди ҳам. Болалар дунёси — сеҳрли олам. Боланинг йиғиси ҳам, алданишларда ҳам бегуборлик бор. Болаларга атаб асар ёзиш учун, аввало, уларнинг дунёсида яшаш, руҳиятини тўла ва тереңроқ англаш, ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатиш, орзу-ўйларини ҳис эта билиш керак. Шоир шеърни туйғу кўмағида ёзади, ақл билан устиди ишлайди. Аммо болалар адабиёти бу қонуниятга бўйсунмайди. У ижодкордан ақл, фалсафа ва туйғулари уйғунлигини, ғаройиб топилмаларини талаб этади. Турсунбой Адашбоев ижодини болаларга бағишлаган шоир. У ҳар бир шеърда бола руҳиятининг кўпчилик пайқаман жижатларини очиб беришга, боланинг орзу-ўйларини, инжиқликларини ғаройиботларини намоян этишга эришган.

“Ешлик” журналининг 2016 йил 5-сонидега босилган сўхатида шундай деган эди: “Нега фақат болалар ҳақида ёзиб ўзингизни чеклайсиз, катталар ҳақида ёзиш ниятингиз борми?”, деб сўраб қолишади. “Йўқ, қўлимдан келмайди. Болалар учун ёзадиган икки-уч ёзувчи бор, шоир бор. Болаларга шеър ёзиб толган жиндай обрўимни ерга урмоқчи эмасман. Аммо катта шеърнинг, катта прозанинг муҳлисман. Шоир-ёзувчиларимизнинг ижодини кузатиб бораман. Сабаби оддий — ҳар ким қўлидан келган ишни қилгани яхши-да!”

Шоир шеърларини содда, раво, болалар учун ёд олиши ва тушунишга қулай услубда ёзган. Сатрлар 7-8 бўғиндан ошмайди. Қофия тизими ҳам ўйноқ, оҳангдор. “Шанбалик” шеъри бунга мисол бўла олади:

Момонинг фикри-зикри,
Жағ-жағ исмалоқда.
Шанбалик қилиб кеча
Синфимиз чикди боққа.

Дов-дарахтнинг боғбонлар,
Соч-соқолни қийишди.
Биз оқлаган дарахтлар,
Оппоқ пайпоқ қийишди.

Раис бобо шод бўлиб,
Қўлимни қисадир:
— Бу шанбалик тинчликка,
Сизлар қўшган ҳиссадир.

Паризода РЎЗИБОЕВА,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси

НАВОИЙХОНЛИК

КАРАМ ФАЗИЛАТИНИНГ МУМТОЗ ТАЛҚИНИ

Ҳазрат Алишер Навоий ўзининг лирик ва насрий асарларида инсонни камолот сари етакловчи йигирмадан зиёд фазилат, яхши хулқ ва сифатларни тараннум ва тарғиб қилиб, шарҳлаб боб, фасл, фикра, мақоло, байт характерида поэтик лавҳалар, насрий баёнлар битган. Шундай сифатлардан бири карам фазилатидир. Улуғ шахслар сийрати, шахси билан боғлиқ тасвирларда ҳам даҳо шоир уларнинг карамлиги, саховати, эҳсон каби хулқларига алоҳида урғу берган.


Улуғ шоир карамни асарларида қуйидаги маъноларда қўллаган: 1. “Ал-қарим” Оллоҳ таолонинг 99та ғўзал исмиларидан бўлмиш асмои хуснадан биттаси; 2. Яхшилик, олижаноблик, эҳсон, ҳиммат, марҳамат, саҳийлик; 3. Бахл, ҳасад, исроф каби тушунчаларнинг зидди маъносиди.

Исломининг фалсафий сарчашмаси ҳамда улғувор ғояларидан озикланиб ўзбек (туркий), форс ва араб тилларида ёзилган илк ва теурийлар Уйғониш даврида битилган дидактик характердаги китобларда эса карам кўпроқ ҳукмдорлар фаолияти билан боғлаб талқин қилинганини кўриш мумкин. Уларнинг давлат бошқарувида карамлиги халққа наф, фойда келтириши, мададор бўлиши алоҳида ўқтирилган. Кишининг карамни бисёр бўлса, иззату шафқатда ўзгалардан улғуворроқ ва обрўлироқ бўлиши ҳам таъкидланган. Бу каби боқий фикрлар, умумбашарий ғояларни Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си, Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билли”, Шайх Саъдийнинг “Гулистон”, “Бўстон”, Жалолиддин Румийнинг “Маънавий маснавий”, Рабзуийнинг “Қисаси Рабзуий” сингари мухташам асарларида ўқиб-ўрганиш мумкин.

тарих зарварақларида шарафли ном қолдирган.

Муҳташам “Хамса” учун ёзган 19 байтдан иборат Басмала якунига ҳам Оллоҳ таолонинг чексиз карамини улғулаб, шарафлаб:

“Ҳайра санои лимуфизил — карам”,
Ким карамдин эрур эл муҳтарам —
дея умид, ишончга йўғрилган ҳулоса ясаган. “Ҳайрат ул-аброр”нинг тўртинчи — охириги муножотига “Карам дарёси



вафидаким, иноят насимидин мавжга кирса, исён хасу хошоқин қирғоқларга итурур ва кўхи гуноҳдин лангар солгонларнинг гаронжонлиқ кемасин бир парри коҳдек мақсуд соҳилига еткурур” номли маърифий характердаги ҳикматомуз талқин билан насрий сарлавҳа битган. Оллоҳнинг бу шарафли сифатида 38 байта шарҳлар ёзар экан, ўзининг ғўзал илтижоларини ҳам қўшиб баён этган. Оллоҳ таолонинг даргоҳи кенглигини, одамларга меҳрибонлигининг чексизлигини назарда тутиб, ўз бандаларига янада шафқатлироқ, тавбаю узрларини қабул қилувчи, уларнинг тоғ-тоғ гуноҳларини гўё бир сиким сомондек шамолга учириб юбориш қудратига тан бериб, таҳсинлар айтган:

Эй караминг олдида кўхи гуноҳ,
Елга учуб ўйлаки бир парри коҳ.

Ушбу маърифатга тўла муножотда Навоий фақат Оллоҳнинг Ал-қарим сифатини мадҳ қилган, аммо инсонларнинг карамлиги хусусияти, фа-

зилати, сифатига очик тўхталмаган, лекин улуғ шоир ўзининг ҳам Оллоҳнинг лутфу карамидан умидворлигини айтиб, Бир бордан ҳеч кимни бебаҳра қолдирмаслигини сўраб қилган илтижоларини шундай поэтик баён қилган:

Бўлса наво бирла бори муҳтарам,
Айлама маҳрум Навоийни ҳам.

Навоий “Ҳайрат ул-аброр”нинг бешинчи мақолатини “Карам васфида...” деб номлаган ва карам қондиси, одоби ва карам давосини маъвиза усулида битган ҳамда карам ва сахони бахиллик, хасиллик, адоват, ҳасад, исроф каби қусурлар билан ўзаро қийслаб, баъзи давлатманд одамларнинг Оллоҳ ато этган давлати, имконияти бўла туриб, муҳтожларга карам ва саҳийлик кўрсатмаслиги уларни бахтсизликка етакловчи офату балодир, деб ўқтир-

кишиларнинг тимсолидир. Улуғ шоир мақолот матнида карам сўзидан абру карам, лутфу карам, ливои карам, карам боғи, карам дурри, карам шеваси, карам гавҳари, карам кисвати каби сифатлашга йўғрилган иборалар ясаган, карам-муҳтарам, карам — дирам, дирам — карам шаклида бир-бирининг мазмунини тўлдирувчи қофиялар тизимини тузган ҳамда тақрир санъатини яратиб, ўта ҳалимлик билан насихат қилишни ўзига жоиз деб билган:

Хатм ўлуб отига сахову карам,
Деди карам бермак эмасуру дирам.
Анда карамдики, талаб билмағай,
Кимда дирам билса, таъма қилмағай.

Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” да карамга бағишлаб сажъ усули билан битган “Карам ва футувват тариқида” номли фаслда инсонларнинг ўзаро муомала, муносабати билан боғлиқ карам қондасини шарҳларкан, карамнинг танқис туйғу эканлигини изоҳлайди, карамни ўзига касб қилиб олган зотларнинг маънавий жасоратини, миннат қилмаслигини олқишлайди, карам давосини қилиб лоф урган карамсиз кишиларга қарата ўзининг танқидий фикрларини танбөҳ тарзида айтади: “Карам бир жафокашининг шиддати юкин кўтармақдур ва ани ул суубатдин ўткармақдур... Карам сифоти аҳрам ул акрамин ишидур, соҳиб карам киши ҳақнинг бу наъв сифатига мутобеъ кишидур”.

Навоий асарларида улуғ инсонларга берган таъриф ва тавсифларда ҳам улардаги карамлилик фазилатини алоҳида урғулаган. “Мажолис ун-нафоис”нинг 7-бобини адабиёт ва санъатга, маданиятга, илм-фанга катта эътибор қаратган теурий ҳукмдор Абулқосим Бобурдаги “карам ул-ахлоқ”лилик фазилати ниҳоятда юксак бўлганини тўққиланиб қуйидагича баён этган: “Бобур Мирзо — дарвишваш ва фойий эрди” ва карам ул-ахлоқ киши эрди. Ҳиммати олида олтунинг дахи кумушнинг тош ва туфроғга ҳисоби йўқ эрди”. Ишончли манбаларда ҳам Абулқосим Бобур ўта карамли, саҳий ҳукмдор, ҳиммат ва муруввати билан афсонавий Ҳотами Тойи ва Бармақлардан устун экани хусусида гаплар кўп. Ҳужумлиги даврида Навоий ҳам унинг карамидан баҳраманд бўлган.

Хулоса шуки, улуғ Навоийнинг карам ҳақидаги боқий фикрлари, ғоялари, мақолининг халқона талқини билан суғорилган, учинчидан эса бу “келмили — кетимили” дунёда инсонларни ўзаро карамли, саховатли, мурувватли, бағрикенг, дастгир бўлишга чақиргани ва закот чиқаришга қурб етган бой кишиларни эса закот, ушрни шукрона билан беришга ундаганини англаш мумкин.

Буробия РАЖАБОВА,
ЎЗ ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтини етакчи илмий ходими

«КУЗ СИМФОНИЯСИ» КУБАДА



Фарғоналик ёш ижодкор Шерзод Ортиқовнинг “Куз симфонияси” номли илк китоби ўтган йили кузда “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан чоп этилган.

Ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинган мазкур китоб яқинда Куба пойтахти Гавана шаҳридаги “Argos Iberoamericana Editorial” нашриёти томонидан инглиз ва испан тилларида чоп этилди. Бу нафақат ёзувчининг, балки ўзбек адабиётининг ҳам ютуғидир.

Шерзод Ортиқов 1985 йили Марғилон шаҳрида туғилган. 2005 йилда Фарғона Политехника институтини таомлаган. 2019 йил Республика миқёсида ўтказилган “Марварид ўлка” адабий танловининг наср йўналиши фойлиридан бири бўлган. Чет мамлакатларда чоп этилган бир неча баъзларда ҳам унинг айрим асарлари инглиз тилида босилган.

ЗАРКЕНТДА ЗАР ҚАЙНАР МАСКАН

Бошланиши 1-саҳифада

Адиблар хиббони ташкил қилдик. Бу ҳам бежизга эмас. Ўзлигини англамоқчи бўлганлар шу хиббонга келиб кўрсин, нурли бўлиб турган Навоий бобомизга қарасин". Ҳа, истаган одам келиб кўрсин: бугун Ёзувчилар уюшмаси нафақат ўзининг мухташам биносига эга бўлди, балки Адиблар хиббонида ҳазрат Навоийдан тортиб, ўзбек адабиёти тарихида чуқур из қолдирган атоқли адибларнинг ҳайкаллари қад ростлади, ўзига хос рамзий анжуман таркиб топди. "Дўрмон" ижод уйи қайта таъмирланди, қалам аҳлининг эмин-эркин ижод қилиб, дам олиши, даволиниши учун барча шарт-шароитлар яратилди. 2019 йили Давлат раҳбарининг ташаббуси билан Жиззах вилоятининг Зомин туманида яна битта ижод уйи қуриб битказилди. Ўтган қисқа вақт мобайнида 157 нафар уюшма аъзоси мазкур санаторияда имтиёзли нархларда дам олиб, саломатлигини тиклашди.

бекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3652-сонли қарорида Тошкент вилоятида "Паркент" ижод уйини қуриб фойдаланишга топшириш вазифаси белги-ланган эди. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги байрами арафасида мазкур ижод уйининг фойдаланишга топширилгани адабиёт аҳли учун катта шодонага айланди. "Ўзавтосаноат" АЖ томонидан бунёд этилган мухташам иншоотнинг қурилиш-монтаж ишлари учун 80 миллиард сўм сарфланди.

Чотқол тоғ тизмалари бағрида, худди коинотдан тушган космик қурилмадай таассурот уйғотадиган "Паркент" ижод уйи ҳам эндиликда "Дўрмон", "Зомин" ижод уйлари сингари ижод аҳлининг сеvimли гўшасига айланиб, Учинчи Ренессанс даври адабиётининг қиёфасини белгилайдиган мумтоз асарлар яратилишига, устоз-шогирдлик аъналарининг ривож-

қилиш учун шароитлар муҳайё. Бир сўз билан айтганда, Паркент туманининг Заркент қишлоғига худди узукка кўз қуйган-

бирининг ўз романлари, драмалари, шеърий тўпламлари бўлади ва бу яратилажак асарлар Янги Ўзбекистоннинг янги адабиётига, Учинчи Ренессанс даври адабиётининг пойдевориغا мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.



дек ярашган бу ижод маскани меъморий тузилиши, илҳомбахш декорацияси билан бетакрор қиёфа касб этган.

Очилиш маросимида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Абдуҷаббор Абдуваҳитов, Бош вазир ўринбосари Бехзод Мусаев адабиёт аҳлини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги ва ижодкорлар ихтиёрига топширилаётган янги "Паркент" ижод уйи билан қутлар экан, бу ерга келган одам шоир бўлмаса ҳам шеър ёзиб юборади, деб лутф қилишди. Тошкент вилоят ҳокими Даврон Ҳидоятлов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид сўзга чиқиб, мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, жумладан, адабиёт ва санъат соҳасидаги ислохотлар ҳамда қалам аҳлига кўрсатилаётган юксак ҳурмат-эҳтиром ҳақида тўхтаб ўтишди.

— Заркент энди зарқайнар, сўзқайнар масканга айланади, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Гафуров. — Ижодкорлар Зоминда, Дўрмонда, Заркентда дам олиб, ижод қиладилар. Ҳар

"Паркент" ижод уйи очилиши муносабати билан ташкил этилган пресс-турдан сўнг давлат ва жамоат вакиллари, Тошкент вилояти ҳокимлиги, "Ўзавтосаноат" АЖ мутахассислари, уюшма аъзолари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ва ОАВ ходимларидан иборат анжуман иштирокчилари яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Оромгоҳ ҳовлисида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан чоп этилган китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Тадбир давомида "Буюк ўзбек йўли", "Орзулар хиббони", "Келажакка бошлайди ишонч" номли тўпламлар ҳамда туркиялик профессор Муневвер Тежжен томонидан нашрга тайёрланган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби Зокиржон Машрабов ҳақидаги "Бобур изида ўтган бир умр" китобининг тақдими бўлиб ўтди. Сойибжон Ниёзов, Гулбаҳор Эрқулова, Азиз Ражабий ижросидаги куй-қўшиқлар даврага кўтаринки кайфият, ўзгача шуқуқ бағишлади.

Шухрат АЗИЗОВ



Айни пайтда ижод аҳлига эътиборни кучайтириш, адабиётни янада ривожлантириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 декабрь куни пойтахтда барпо этилган Адиблар хиббони ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташрифи чоғида берилган топшириқларида, шунингдек, 2018 йил 5 апрелдаги "Ўз-

ланишига хизмат қилади. Икки гектар майдонни эгаллаган замонавий иншоот очиқ ва ёпиқ сув ҳавзаларига, кутубхона, ошхона, чойхона ҳамда 150 ўринли амфитеатрга эга. Замонавий андозалар асосида қурилган ётоқхона биноси 152 ўринга мўлжалланган. Хоналар сўнгги русумдаги телевизор, кондиционерлару европача услубдаги мебеллар билан жиҳозланган. Ювиниши, дам олиш, даволиниш ва ижод

БАХТИ-ИҚБОЛИМ, ЎЗБЕК ИСТОНИМ!

Тарихингдир минг асрлар ичра
пинҳон, ўзбегим.
Эркин ВОҲИДОВ

Буюк Ватан, буюклигингни
Билиб-билмай тан олган дунё.
Буюкларнинг ватан тупроғи
Бўлғусидир кўзга тўтиб.
Битилмаган дoston Туроним,
Бетакрорим, Ўзбекистоним!

Тарихингни ўқийман такрор,
Етолмасман ибтидосига.
Ҳайратдан фарзандларингнинг
Илму урфон ихтиросига.
Сир дарёси, сирлар маконим,
Сирларга кон, Ўзбекистоним.

Мўр-малаҳдек Чингиз лашкари
Титратганда жумла жаҳонни,
Темур Малик, Манғубердилар
Зирхи бўлди қутлуғ маконинг.
Ҳали ҳеч ким ўлчолгани йўқ
Ал-Хоразмий қўйган қадамни.
Ҳали ҳеч ким билолгани йўқ
Ал-Беруний биолган фанни.
Арастудан кейинги устоз
Фаробий, деб билди олам.
Кўлга олиб қалам ва қоғоз,
Ёзган илк бор мусиқани ҳам.
Давраси куй, ғазал, достоним,
Турфа ҳолим, Ўзбекистоним!

"Босқинчи" деб аталган Бобур
Авлодлари қурган Тоғ-Маҳал,
Айтилгандек, "севги рамзи"мас,
Турон мулкка қўйилган ҳайкал.
Ўзга юрта қолган армоним-
Соғинганим, Ўзбекистоним!

Юрта босиб келганида ёв,
Қабргача титди беаёв.
Китобларинг ўтда ёқдилар,
Ҳатто боланг сўзсиз отдилар.
Қузғун каби шоҳига қўниб,
Булгадилар чинорларингни.
Бир зарб ила йиқитмоқ бўлиб,
Тўпга тўтди мийдорларингни.
Отдилар Қодирий, Чўлпон,
Дарё бўлиб окди қизил қон.
Эл-юрт дардин дегани учун
Ватанига сизмади Усмон.
Қалби вайрон, мулки тороним,
Тийра бўлган, Ўзбекистоним!

Авайлаб бос Ватан тупроғи,
Тупроқ эмас, боболар хоки.
Ҳар зарраси бир кўнгли доғи,
Ё даврининг ақл-идроки.
Кўндир ноҳақ тўкилган қоним,
Куйар жоним, Ўзбекистоним!

Озодликнинг шамоли билан
Чечакларинг буй чўзди қўжжа.
Истиклолинг муборак бўлисин,
Қутлуғ Ватан, табарруқ ўлка.
Асрларга татир ҳар оним,
Навқироним, Ўзбекистоним!

Халқим, ўзинг аслида буюк,
Ўзбек номин тарихга битган.
Авлодларинг билимда етук,
Аждодларинг йўлини тутган.
Тонг отмоқда заррин, нашъали,
Янграмоқда ёқмили бир сас.
Нур сочмоқда ақл машъали,
Эшик қоқар янги Ренессанс.
Халқим ўзинг - шавкатим, шоним,
Бахт-иқболим, Ўзбекистоним!

Дилда борин изҳор этолган
Она тилим, ох, она тилим.
Ҳар тилими дил ўртаёлган
Шевалари тотли, бежирим.
Қошғарийнинг девони бўлиб,
Нур таратган осмоним ўзинг.
Навоийнинг достони бўлиб,
Яшнаётган бўстоним ўзинг.
Маҳдум, олқиш, табрик, саломим
Сенга бўлсин, Ўзбекистоним!

Анорбой ОЛИМОВ

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги "Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойишининг 19-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан қатағон қурбони бўлган ватандошларимиз ҳаёти ва фаолияти, ўша пайтларда мамлакатимизда ҳукм сурган мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар, муайян тарихий воқеалар ҳақида энг яхши асарлар ижодий танлови якунланди.

Куйидаги ижодкорлар мустабид тузум томонидан шафқатсиз қатағон қилинган давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намоиядаларининг, оддий касб эгаси бўлган минглаб юртдошларимизнинг номлари ва хотираларини аба-

дийлаштириш, уларнинг жасорати ва матонати мисолида ёш авлодни Ватанимиз ва халқимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган ижодий ишлари учун танлов ғолиблигини кўлга киритишди.

1-ўрин

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД — "Юз йиллик қотиллик қиссаси" номли тарихий-ҳужжатли-маърифий қиссаси учун.

2-ўрин

Шерқон Қодирий — "Дийдор қиёматга қолса нетай" асари учун.

Сирожиддин Аҳмедов — Қатағон қурбонларига оид бир туркум асарлари учун.

3-ўрин

Абдуқаном ЙЎЛДОШЕВ — "Жадид" қиссаси учун.

Саттор ТОҶИБОВЕВ — "Ниқобланган разолат" ҳамда "Кремлнинг қалтис уйини" номли 2 жилдлик бадиий-ҳужжатли асарлари учун.

Исматилла ЙЎЛДОШЕВ (марҳум) — "Махфий маҳқама ёхуд... қонунсиз қамалганлар" қиссаси учун.

Рағбатлантирувчи ўринлар

Фаррух ЖАББОРОВ — "Абдулла Қодирий" номли бадиий-публицистик фильм сценарийси учун.

Юсуф НОРОВ — "Саққизинчи ўқ, ёхуд қатағон қизининг қисмати" ҳикояси учун.

Абдулхай НОСИРОВ — Қатағон қурбонлари ҳақидаги шеърлари учун.

Жўра ФОЗИЛ — "Очиқ эшиқлар" ҳикояси учун.
Фозил Фарҳод — "Абдулла Қодирий" шеъри учун.

"Regionlararo mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

"Regionlararo mulk markazi" МЧЖ томонидан ташкил этилган такрорий аукцион савдоларига "Хитсон санаторияси" ДУК нинг 2021 йил 31 августдаги 109-сонли буюртмасига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Хумсон МФЙ, "Хумсон санаторияси" ДУК худудида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

2. "УАЗ-469В" русумли давлат рақами 10/424 КАА бўлган 1985 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич баҳоси — 13 840 794 сўм.
3. "Damas" русумли давлат рақами 10/455 КАА бўлган 1997 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич баҳоси — 19 523 136 сўм.

Аукцион савдоси 2021 йил 2 октябр кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳар М.Улғабек тумани, Туртариқ кўчаси 11/2-уй манзилида бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қи-

линади (13:00дан 14:00гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати 2021 йил 6 август кунини соат 16:00да тўхтатилади. Автотранспорт воситаси **2021 йил 2 октябр кунини** сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2021 йил 6, 11, 15 октябр кунини соат 11:00да ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати савдо бўлишидан бир кун аввал соат 16:00да тўхтатилади.
Савдо ғолиби деб топилган шахсга 5 банк кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш маж-

Эълон

бурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатлат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатлат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини "ХАТБ <<DAVR-BANK>> Олмазор филиали х/р: 22604000505265882001 МФО: 01121, СТИР: 307638956 ўтказишлари лозим.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар, М.Улғабек тумани, Туртариқ кўчаси, 11/2-уй. 95 195-12-21; 95 199-12-21.

Гувоҳнома №.880847



Ўzbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКISTON
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамқоримиз:
akfa

Бош
муҳаррир

Салим
АШУРОВ

Тахририятга келган қўғамалар таҳсил этилмайди ва муаллифларга қайтарибмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъула котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Шухрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1182. Буюртма Г - 944.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Сотува нархи эркин.



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаханаси.
Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 04.56.

ISSN 2181-134X

